

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**9-сон**  
**(1081)**  
**2023 йил**  
**март**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

63. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралдаги ўРҚ–819-сон Қонуни
64. «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралдаги ўРҚ–820-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

65. «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ–27-сон Фармони
66. «Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги ПҚ–74-сон қарори

67. «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги ПҚ–83-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

68. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 23 январдаги 1/8-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1648-7*)
69. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 24 январдаги 1/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-10*)
70. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 23 январдаги 21-сон «Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3421*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 63 Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
15 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги техник регламентларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва қўллаш, мувофиқликни баҳолаш ҳамда давлат назоратини амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

санитария, фитосанитария ва ветеринария чоралари;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги чоралар;

бухгалтерия ҳисоби стандартлари;

қимматли қоғозлар эмиссияси стандартлари ва қимматли қоғозлар эмиссияси рисолалари, баҳолаш фаолияти стандартлари;

тиббий ёрдам стандартлари;

давлат таълим стандартлари билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

##### 3-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 февралда эълон қилинган.

**4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аризачи** — мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулот тақдим этган жисмоний ёки юридик шахс;

**давлат назорати органи** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган давлат бошқаруви органи;

**ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили** — ишлаб чиқарувчи (чет эл ишлаб чиқарувчиси) билан тузилган шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолашда ва уни муомалага чиқаришда ушбу ишлаб чиқарувчи номидан ҳаракатларни амалга оширадиган тадбиркорлик субъекти;

**маҳсулот** — фаолиятнинг моддий-ашёвий шаклда тақдим этилган ва хўжалик мақсадида ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган натижаси;

**маҳсулотни муомалага чиқариш** — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш мақсадида етказиб бериш (реализация қилиш) ёки олиб кириш (ишлаб чиқарувчининг омонидан жўнатиш ёки омондорга жўнатишдан юзлаб жўнатиш);

**мувофиқлик тўғрисидаги декларация** — ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи муомалага чиқариладиган маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

**мувофиқликни декларациялаш** — маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини мажбурий равишда тасдиқлаш шакли;

**савдодаги техник тўсиқ** — маҳсулот келиб чиққан мамлакатга (жойга) қараб маҳсулотга ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларига доир мажбурий талабларнинг турлича қўлланилиши оқибатида мамлакатлар ўртасидаги савдода юзага келадиган тўсиқ;

**синаш лабораторияси** — синашни амалга оширувчи юридик шахс ёки унинг таркибий бўлинмаси;

**сотувчи** — маҳсулотни реализация қиладиган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган тадбиркорлик субъекти;

**техник жиҳатдан тартибга солиш** — маҳсулотнинг хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш жараёнларига ва усулларига доир талабларни белгилаш, қўллаш ҳамда бажариш, шунингдек уларга риоя этилишини мувофиқликни баҳолаш ва давлат назоратини амалга ошириш орқали текшириш;

**техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар** — техник регламентлар ва стандартлар;

**техник регламент** — маҳсулот хавфсизлигининг қўлланилиши мажбурий бўлган тавсифлари ёки улар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва усуллари, қоидалар белгиланган ҳужжат;

**хизмат** — жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган, натижалари ашёвий шаклга эга бўлмаган фаолият.

**5-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари**

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

техник регламентларни қўллашнинг бирлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг камситилишига ва инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги;

техник жиҳатдан тартибга солишнинг ҳамда мувофиқликни баҳолашнинг бирлиги ва яхлитлиги;

мувофиқликни баҳолаш органларининг ишлаб чиқарувчилардан, сотувчилардан ва харидорлардан (истеъмолчилардан) мустақиллиги;

мувофиқликни мажбурий баҳолаш тартиб-таомилларини амалга оширишда синаш ҳамда ўлчаш қоидаларининг ва усулларининг бирлиги;

давлат назоратига ва мувофиқликни баҳолашга доир ваколатларнинг бир орган томонидан бирга қўшиб бажарилишига йўл қўйилмаслиги;

икки ва ундан ортиқ давлат назорати органида айни бир ваколатларнинг такрорланишига йўл қўйилмаслиги.

**2-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш****6-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими**

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

стандартлаштириш бўйича миллий орган;

аккредитация органи;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари;

мувофиқликни баҳолаш органлари, синаш лабораториялари.

**7-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

техник жиҳатдан тартибга солишнинг иқтисодий, моддий-техника базасини ривожлантириш даражасига, шунингдек илмий-техник жиҳатдан ривожлантириш даражасига мувофиқлигини таъминлаш;

мазкур соҳани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мазкур соҳани халқаро (минтақавий) стандартлар билан уйғунлаштириш;

илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларини белгилайди ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мувофиқликни баҳолашга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурини тасдиқлайди;

техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

мувофиқликни баҳолаш органини тайинловчи (нотификация қилувчи) органни белгилайди, унинг фаолияти соҳасини ва вазифаларини тасдиқлайди;

ахборот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади, техник регламентлар, стандартлар, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари тўғрисида хабардор қилиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларининг Ўзбекистон Республикасида тан олинishi тартибини тасдиқлайди;

мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган, хавф даражаси юқори бўлган маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлайди;

мувофиқликни баҳолаш қоидаларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш тартибини белгилайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолият юритиш тартибини белгилайди;

давлат назорати органларининг ваколатларини, уларнинг давлат назоратига доир фаолиятини мувофиқлаштириш тартибини, шунингдек давлат назорати органларининг аккредитация органи билан ҳамкорлиги тартибини тасдиқлайди;

тегишли чекловчи чораларни кўриш тартибини, хавфни баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

юқори хавф туғдирадиган маҳсулот тўғрисида тезкор равишда ўзаро хабар бериш тизимининг фаолият кўрсатиш тартибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган тегишли техник регламентларни экспертизадан ўтказиши;

техник регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлайдиган ҳамда техник регламентларда белгиланган маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган, намуналар олиш, синаш ва ўлчаш усулларини белгилайдиган стандартлар рўйхатларини тасдиқлайди;

мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган, хавф даражаси юқори бўлган маҳсулотлар рўйхатини шакллантиради, шунингдек мазкур маҳсулотларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлайди;

халқаро (минтақавий) стандартларнинг ҳамда техник регламентларнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан жорий этилишини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларини бузганликда айбдор бўлган ишлаб чиқарувчиларга, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилига, сотувчиларга, импорт қилувчиларга ёки ижрочиларга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш юзасидан судга мурожаат қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ эмас деб топилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар реестрини юритади;

мувофиқлик сертификатларининг ва мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларнинг реестрини юритади;

маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш жараёнларининг ёки усулларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги презумпциясини таъминлайдиган стандартлар рўйхатини тасдиқлайди;

техник регламентларни қўллаш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлайди;

техник регламентларнинг маълумотлар базасини шакллантиради ва юри-тади;

Ўзбекистон Республикасининг мувофиқликни баҳолаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа масалаларга доир халқаро шартномаларини тузиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **10-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари (бундан буён матнда ваколатли давлат бошқаруви органлари деб юритилади) ўз ваколатлари доирасида:

махсус ваколатли давлат органига техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари бўйича таклифлар киритади;

техник регламентларнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди;

техник регламентларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган техник регламентларни экспертизадан ўтказиши;

техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

техник регламентлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

техник регламентларнинг маълумотлар базасини шакллантиришда иштирок этади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ваколатли давлат бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **11-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

махсус ваколатли давлат органига техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари бўйича таклифлар киритади;

техник регламентлар ва уларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилишини амалга оширади;

техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш ҳақида таклифлар тайёрлайди;



техник регламентларнинг маълумотлар базасини шакллантиришда иштирок этади;

техник регламентларга риоя этилиши устидан назоратни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **12-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари махсус ваколатли давлат органи ва ваколатли давлат бошқаруви органлари хузурида шакллантирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясининг таркибига давлат органларининг, иқтисодиётнинг тегишли тармоқларидаги тадбиркорлик субъектларининг вакиллари, илмий-тадқиқот институтларининг, лабораторияларнинг мутахассислари, шунингдек техник регламентлар экспертизаси учун зарур бўлган бошқа мутахассислар киради.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари техник регламентлар лойиҳаларини, уларга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказади, шунингдек амалдаги техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда уларга оид хулосалар тайёрлайди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **3-боб. Техник регламентлар**

### **13-модда. Техник регламентларнинг мақсадлари**

Техник регламентлар қуйидаги мақсадларда қабул қилинади:

маҳсулот хавфсизлиги талабларини белгилаш орқали фуқароларнинг ҳаётини ёки соғлиғини муҳофаза қилиш;

атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш;

харидорларни (истеъмолчиларни) чалғитадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

энергия жиҳатдан самарадорликни ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

ички ва ташқи бозорларда маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш.

### **14-модда. Техник регламентларнинг мазмуни**

Техник регламентларда маҳсулотнинг зарар етказиш хавфи ва хатари даражаси ҳисобга олинган ҳолда:

биологик хавфсизликни;

механик хавфсизликни;

кимёвий хавфсизликни;  
ядровий ва радиациявий хавфсизликни;  
ёнғин хавфсизлигини;  
электр хавфсизлигини;  
машиналарни ва асбоб-ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш)  
ҳамда утилизация қилиш хавфсизлигини;  
электромагнит мослигини;  
экологик хавфсизликни;  
саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини;  
портлаш хавфсизлигини;  
ахборот хавфсизлигини;  
синаш ва ўлчаш усулларининг бирлигини таъминловчи талаблар, шунинг-  
дек маҳсулот хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа талаблар белгилани-  
ши мумкин.

Техник регламентлар қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:  
қайси маҳсулотларга нисбатан хавфсизлик талаблари белгиланаётган  
бўлса, ўша маҳсулотларнинг тўлиқ рўйхатини;

хавф даражаси ҳисобга олинган ҳолда аниқланадиган мувофиқликни  
баҳолаш қоидалари, шакллари ва тартиб-таомилларини.

Техник регламентлар мувофиқликни тасдиқлаш схемаларини, берилган  
мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тартибини,  
атамаларга, ўровга, тамғалашга ёки ёрлиқларга доир талабларни ва уларни  
қўллаш қоидаларини ўз ичига олиши мумкин.

Техник регламентларда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига  
доир талаблар бўлмаслиги керак, бундан маҳсулотнинг конструкциясига ва  
бажарилишига нисбатан инсоннинг ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилиши  
хавфи даражаси ҳисобга олинган ҳолдаги талаблар мавжуд эмаслиги сабабли  
маҳсулот хавфсизлиги таъминланмайдиган ҳоллар мустасно.

Техник регламентларда харидорларни (истеъмолчиларни) эҳтимол тугил-  
ган зарар тўғрисида ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга,  
ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар етказилиши хавфи қайси омилларга  
боғлиқ бўлса, ўша омиллар ҳақида хабардор қилишга тааллуқли талаблар  
мавжуд бўлиши мумкин.

Техник регламентларда маҳсулот хавфсизлигига доир қўйидаги махсус  
талаблар бўлиши мумкин:

қонунчиликда белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг ҳаёти ва  
соғлиғини муҳофаза қилишга доир талаблар;

табiiй ҳамда техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятларда инсон-  
нинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга, атроф-муҳитга етказиладиган зарарни  
ҳамда моддий зарарни камайтиришга доир талаблар, шунингдек жисмоний ва  
юридик шахсларнинг мол-мулкига, давлат мулкига таҳдид солувчи трансчега-  
равий хавфли ишлаб чиқариш объектларига тааллуқли талаблар.

Давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил  
этувчи маълумотларни ўз ичига олган техник регламентлар қонунчиликда  
белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ҳамда қабул қилинади.

Техник регламентлар тугал бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида тўғридан-тўғри амал қилади ҳамда фақат уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ўзгартирилиши ҳамда тўлдирилиши мумкин.

**15-модда. Техник регламентларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби**

Техник регламентлар техник регламентларни ишлаб чиқишнинг тасдиқланган дастурига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Халқаро (минтақавий) стандартлардан техник регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда тўлиқ ёки қисман асос сифатида фойдаланилиши керак, бундан халқаро (минтақавий) стандартлар ёки уларнинг бўлимлари техник регламентларнинг ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган мақсадларига эришиш учун самарасиз ёхуд номувофиқ бўлган ҳоллар, шу жумладан иқлимга оид ва географик ўзига хос хусусиятлар туфайли самарасиз ёки номувофиқ бўлган ҳоллар мустасно.

Халқаро (минтақавий) стандартлар билан уйғунлаштирилган миллий стандартлардан техник регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда тўлиқ ёки қисман фойдаланилиши ҳам мумкин.

Техник регламентлар талаблари ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган техник регламент мақсадларига нисбатан кўпроқ техник тўсиқларни юзага келтирмаслиги керак.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар ўз расмий веб-сайтларида техник регламентлар ишлаб чиқилиши тўғрисидаги хабарларни ушбу регламентлар ишлаб чиқилган кундан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай эълон қилади ва манфаатдор тарафларни бу ҳақда хабардор қилади.

Агар техник регламентларни ишлаб чиқиш ёки техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш маҳсулотнинг импортига ёки экспортига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлатлар билан икки томонлама ёхуд кўп томонлама шартномалар тузилган бўлса, техник регламентларни ишлаб чиқувчи орган техник регламентларни ишлаб чиқиш сабабларини ушбу давлатларнинг сўровига кўра тушунтириб бериши керак.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар техник регламент лойиҳаси расмий веб-сайтда жойлаштирилган кундан эътиборан икки ой ичида унинг муҳокама қилинишини таъминлайди.

Техник регламентни ишлаб чиқувчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясининг хулосаси олинганидан кейин техник регламент лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

Техник регламентлар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида олти ой ўтгач амалга киритилади.

**16-модда. Техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш**

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар бу регламентларнинг долзарб-

лиги ва ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган мақсадларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан уларни қайта кўриб чиқади.

Агар техник регламентларнинг қабул қилинишига олиб келган ҳолатлар ёки сабаблар бошқа мавжуд бўлмаса ёхуд ўзгарган ҳолатлар ёки сабаблар савдога нисбатан камроқ чекловчи таъсир кўрсатадиган усуллардан фойдаланишга имкон берса, техник регламентларга тегишли ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ёки техник регламентлар бекор қилинади.

Техник регламентлар:

кучга кирган кундан эътиборан;

техник регламентларни дастлабки тарзда қайта кўриб чиқиш натижаларига кўра уларга киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар кучга кирган кундан эътиборан;

тегишли ваколатли давлат органлари томонидан дастлабки тарзда қайта кўриб чиқиш натижаларига кўра улар ўзгаришсиз қолдирилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этилган кундан эътиборан беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

### **17-модда. Стандартларнинг техник регламентларга мувофиқлиги презумпцияси**

Агар маҳсулот, уни ишлаб чиқариш жараёнлари ёки усуллари техник регламентда ҳавола берилган стандартлар талабларига жавоб берса, улар техник регламент талабларига мувофиқ деб топилади.

Маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш жараёнларининг ёки усулларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги презумпциясини таъминлайдиган стандартлар рўйхати махсус ваколатли давлат органи томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилинади.

### **18-модда. Техник регламентларнинг қўлланилиши ва ўтиш даври**

Техник регламентлар маҳсулот келиб чиққан мамлакатдан ва (ёки) жойдан, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилининг, сотувчининг ёки импорт қилувчининг мулк шаклидан қатъи назар, бир хил тарзда ва тенг қўлланилади.

Агар техник регламентда стандартга ёки унинг алоҳида қисмига оид ҳавола мавжуд бўлса, мазкур стандарт ёки унинг алоҳида қисми бажарилиши шарт.

Техник регламентда уни амалга киритишнинг ўтиш даври вақтини белгиловчи муддати ва шартлари назарда тутилиши, бу давр мобайнида техник регламентнинг амалга киритилиши ҳамда маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ масалалар ҳисобга олиниши керак.

Агар техник регламентга киритилган маҳсулот муомалага чиқариладиган бўлса ва мазкур техник регламент талабларига мувофиқ бўлмаса, ўтиш даври мобайнида маҳсулотдан фойдаланиш тақиқланиши ёки чекланиши мумкин эмас.

Агар техник регламентни қайта кўриб чиқиш якунларига кўра маҳсулот-

га доир техник талаблар ўзгармаган ёки аҳамиятсиз тарзда ўзгарган бўлса, ўтиш даври белгиланмайди.

Техник регламентларда ёки улар тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўтиш даврининг техник регламентларни қўллашга оид бошқа шартлари ҳам белгиланиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи кучга кирмаган техник регламент талабларини ўтиш даври мобайнида қўллаш, шунингдек маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

### **19-модда. Техник регламентларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар**

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар бир вақтнинг ўзида техник регламентларни қўллаш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқади, ушбу тавсияларда техник регламентларда белгиланган қоидалар тушунтирилади ва улар мазкур регламентларнинг изчил қўлланилишини таъминлайди.

Техник регламентларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар техник регламентларни ишлаб чиқувчиларнинг ва тегишли услубий тавсияларни тасдиқлаган ваколатли давлат бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларига тасдиқланган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

### **20-модда. Хабардор қилиш**

Янги техник регламент ишлаб чиқилган ёки амалдагиларига ўзгартишлар киритилган тақдирда, техник регламентларни ишлаб чиқувчилар манфаатдор тарафларни ахборот маркази орқали қуйидагилар тўғрисида хабардор қилади:

техник регламентни ишлаб чиқиш бошланганлиги ҳақида;

техник регламент татбиқ этилиши мумкин бўлган маҳсулот тўғрисида, ушбу регламент қайси мақсадга мувофиқ ишлаб чиқиляётган бўлса, ўша мақсад тавсифлаб берилган ва тушунтирилган ҳолда;

техник регламентнинг лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар олиш учун икки ой муддат берилиши ҳақида.

Техник регламентлар, стандартлар, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари тўғрисида хабардор қилиш тартиби ва тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **4-боб. Мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш**

#### **21-модда. Мувофиқликни баҳолаш**

Мувофиқликни баҳолаш маҳсулотнинг, ишлаб чиқариш жараёнларининг, хизматларнинг, менежмент тизимларининг, ходимларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлашга доир фаолиятдир.

Мувофиқликни баҳолаш органи мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларини бажарадиган юридик шахсдир.

Мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомили техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлардаги тегишли талабларга риоя этилишини аниқлаш мақсадида тўғридан-тўғри ёки билвосита қўлланиладиган тартиб-таомилдир. Намуналар олиш, синаш ва текшириш, мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек уларнинг мажмуи мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари жумласига киради.

### **22-модда. Мувофиқликни баҳолаш объектлари**

Маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизими ва ходимлар мувофиқликни баҳолаш объектларидир.

Мувофиқликни баҳолаш объектлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

### **23-модда. Мувофиқликни тасдиқлаш шакллари**

Мувофиқликни тасдиқлаш техник регламентларда ёки мувофиқликни баҳолаш қоидаларида белгиланган мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Мувофиқликни тасдиқлаш мажбурий ёки ихтиёрий равишда бўлиши мумкин.

Техник регламентларда белгиланган мувофиқликни мажбурий равишда тасдиқлаш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

мувофиқликни декларация қилиш;

мажбурий сертификатлаштириш.

Мувофиқликни ихтиёрий равишда тасдиқлаш ихтиёрий сертификатлаштириш шаклида амалга оширилади.

### **24-модда. Мувофиқликни мажбурий равишда тасдиқлаш**

Мувофиқликни мажбурий равишда тасдиқлаш маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш орқали таъминланади.

Фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилаётган маҳсулотгина мувофиқликни мажбурий равишда тасдиқлаш объекти бўлиши мумкин.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларация ва мувофиқлик сертификати тенг юридик кучга эга ҳамда мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг ёки мувофиқлик сертификатининг амал қилиши вақтида муомалага чиқариладиган маҳсулотга нисбатан маҳсулотнинг яроқлилик муддати ёхуд хизмат муддати давомида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

Мувофиқликни мажбурий равишда тасдиқлаш ишларининг қиймати маҳсулот келиб чиққан мамлакатдан ва (ёки) жойдан, шунингдек аризачининг мақомидан қатъи назар, мустақил равишда белгиланади.

### **25-модда. Мувофиқликни ихтиёрий равишда тасдиқлаш**

Мувофиқликни ихтиёрий равишда тасдиқлаш аризачининг ташаббусига

кўра аризачи ва мувофиқликни баҳолаш органи ўртасидаги шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

Маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизими ҳамда стандартларда ва шартномалар шартларида қайси бошқа объектларга нисбатан талаблар белгиланган бўлса, ўша объектлар мувофиқликни ихтиёрий равишда тасдиқлаш объектлари бўлиши мумкин.

Мувофиқликни ихтиёрий равишда тасдиқлаш стандартларга, шартномалар шартларига мувофиқликни белгилаш учун амалга оширилиши мумкин.

### **26-модда. Мувофиқлик тўғрисидаги декларация**

Мувофиқлик тўғрисидаги декларация, агар техник регламентларда назарда тутилган бўлса, мувофиқлиги мажбурий равишда тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулотга нисбатан расмийлаштирилади.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларация икки нусхада расмийлаштирилади.

Мувофиқликни декларация қилиш қўйидаги схемалардан бири бўйича амалга оширилади:

мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни ўз далиллари асосида қабул қилиш;

мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни ўз далиллари ҳамда мувофиқликни баҳолаш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (бундан буён матнда учинчи тараф деб юритилади) иштирокида олинган далиллар асосида қабул қилиш.

Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни қабул қилувчи шахслардир.

Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва маҳсулот туркуми учун мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиши мувофиқликни тасдиқлаш схемаси билан белгиланади.

Расмийлаштирилган мувофиқлик тўғрисидаги декларация ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган шахсларнинг аризасига кўра, мувофиқлик сертификатларининг ва мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларнинг реестрида аккредитация қилиш доираси маҳсулотнинг мазкур турини ўз ичига олган мувофиқликни баҳолаш органи томонидан рўйхатдан ўтказилиши лозим. Мувофиқлик тўғрисидаги декларация мувофиқлик сертификатларининг ва мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларнинг реестрида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан ҳақиқий деб ҳисобланади.

Аризачиларнинг доираси тегишли техник регламентда белгиланади. Агар учинчи тарафнинг мавжуд эмаслиги мувофиқликни тасдиқлаш мақсадларига эришилмаслигига олиб келса, техник регламентда мувофиқликни учинчи тараф иштирокида декларация қилиш схемаси белгиланади.

Маҳсулотнинг техник регламентларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун асос бўлиб хизмат қилган техник ҳужжатлардан, шахсий синаш ва ўлчаш натижаларидан ва (ёки) бошқа ҳужжатлардан далил сифатида фойдаланилади.

Мувофиқликни шахсий далиллар ва мувофиқликни баҳолаш органи

иштирокида олинган далиллар асосида декларация қилиш чоғида аризачи ўз танловига кўра шахсий далилларида ташқари лабораторияда ўтказилган синаш ва ўлчаш баённомаларидан фойдаланишга, сифат менежменти тизимининг сертификатини тақдим этишга ҳақли.

Сифат менежменти тизимининг сертификатидан мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни қабул қилиш чоғида далиллар таркибида фойдаланилиши мумкин, бундан шундай маҳсулот учун техник регламентларда мувофиқликни тасдиқлашнинг бошқача шакли назарда тутилган ҳол мустасно.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиш муддати техник регламентда белгиланади.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг бир нусхаси ва далиллар сифатида фойдаланилган материаллар аризачида, бошқа нусхаси эса уни рўйхатдан ўтказган мувофиқликни баҳолаш органида беш йил давомида сақланади.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **27-модда. Мувофиқлик сертификати**

Мувофиқлик сертификати мувофиқликни баҳолаш объектларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Мувофиқликни баҳолаш органи сертификатлаштиришни аризачи билан тузилган шартномага асосан амалга оширади.

Сертификатлаштириш мувофиқликни баҳолаш органи томонидан мувофиқликни баҳолаш объектларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тартиб-таомилидир.

Маҳсулотнинг муайян турларини сертификатлаштириш учун қўлланиладиган сертификатлаштириш схемалари, аризачиларнинг доираси тегишли техник регламентларда белгиланади.

Мувофиқлик сертификати, башарти танланган мувофиқликни тасдиқлаш схемасига биноан барча тартиб-таомилларнинг бажарилиши ижобий натижалар берган бўлса, мувофиқликни баҳолаш органи томонидан аризачига берилади.

Мувофиқлик сертификатини олишда ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи аризачи бўлиши мумкин.

Мувофиқлик сертификатининг шакллари ва уларни расмийлаштириш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификати мувофиқлик сертификатларининг ва мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларнинг реестрида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати техник регламент-



ларда ёки мувофиқликни тасдиқлаш схемаларидан келиб чиққан ҳолда, мувофиқликни баҳолаш қоидаларида белгиланади.

### **28-модда. Мувофиқлик белгиси**

Мувофиқлик белгиси мувофиқликни баҳолаш объектлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқликни тасдиқлаш тартиб-таомилидан ўтганлиги тўғрисида харидорларни хабардор қилиш учун хизмат қилади.

Мувофиқлик белгиси мувофиқликни тасдиқлаш тартиб-таомилидан ўтган маҳсулотни тамғалашда қўлланилади.

Мувофиқлик белгисининг шакли, унга доир техник талаблар ва тамғалаш тартиби миллий стандартларда белгиланади.

Мувофиқлик сертификатига эга бўлган ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи мувофиқлик белгисини миллий стандартларда белгиланган, ўзи учун қулай бўлган ҳар қандай усулларда қўллашга ҳақли.

Мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган ва техник регламентларда белгиланган талаблар бўйича мувофиқлиги тасдиқланишдан ўтмаган маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалашга йўл қўйилмайди.

Маҳсулот маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан сертификатлаштирилганда мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш органи билан тузилган келишув асосида ушбу ишлаб чиқарувчиларга ва импорт қилувчиларга мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи берилади ҳамда мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун тўлов ундирилади.

### **29-модда. Аризачининг мувофиқликни мажбурий равишда тасдиқлаш чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Аризачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳсулотнинг муайян турлари учун тегишли техник регламентда назарда тутилган мувофиқликни тасдиқлаш шаклини ва схемасини танлаш;

аккредитация қилиш доираси аризачи сертификатлаштиришни мўлжаллаган маҳсулотга нисбатан татбиқ этиладиган ҳар қандай мувофиқликни баҳолаш органига мажбурий сертификатлаштиришни амалга ошириш учун мурожаат қилиш;

маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун техник ҳужжатлардан фойдаланиш;

ўзига мувофиқлик сертификатини берган мувофиқликни баҳолаш органидан сертификатлаштириш натижаларини тасдиқлайдиган ҳамда тақдим этиш шартлари, муддати сертификатлаштириш тўғрисидаги шартномада белгиланадиган ҳужжатларни ҳамда материалларни олиш.

Аризачи:

маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини таъминлаши;

мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулотни муво-

фиқликни тасдиқлаш ишлари амалга оширилганидан кейин муомалага чиқариши;

маҳсулотга илова қилинадиган ҳужжатларда мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларация ҳақидаги маълумотларни кўрсатиши;

давлат назорати органларига, шунингдек манфаатдор шахсларга маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланганлиги тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларни (мувофиқлик сертификатини, мувофиқлик ҳақидаги декларацияни ёки уларнинг кўчирма нусхаларини) ёхуд мувофиқлик сертификатининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг рўйхатга олиш рақами ҳақидаги ахборотни тақдим этиши;

агар мувофиқлик сертификатининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёхуд тугатилган бўлса, маҳсулотнинг реализация қилинишини тўхтатиб туриши ёки тугатиши;

сертификатлаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг техник ҳужжатларига ёки технологик жараёнларига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида мувофиқликни баҳолаш органини хабардор қилиши;

мувофиқлиги тасдиқланишдан ўтган ва техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришни давлат назорати органларининг қарорлари асосида ўн иш кунига тўхтатиб туриши;

мувофиқлик сертификатининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиш муддати тугаган тақдирда, маҳсулотнинг реализация қилинишини тўхтатиб туриши ёки тугатиши шарт, бундан маҳсулотнинг қонунчиликка мувофиқ белгиланган яроқлилиқ муддати ёхуд хизмат муддати давомида мувофиқлик сертификатининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиши вақтида чиқарилган маҳсулот мустасно.

### **30-модда. Маҳсулотни синаш мақсадлари**

Маҳсулотни синаш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

техник регламентларда ва стандартларда кўрсатилган маҳсулот намунасининг мувофиқлигини тасдиқлаш тавсифларини аниқлаш;

агар синаш мувофиқликни тасдиқлаш доирасидаги тартиб-таомил бўлса, мувофиқликни тасдиқлаш амалга оширилишини таъминлаш.

Синаш, агар бу мувофиқликни сертификатлаштириш ёки декларация қилишда қўлланиладиган мувофиқликни тасдиқлаш схемасида назарда тутилган бўлса, мувофиқликни баҳолаш доирасидаги тартиб-таомилдир. Синаш, агар бу техник регламентларда назарда тутилган бўлса, мувофиқликни баҳолашнинг мустақил шаклидир.

Синаш, агар бу мувофиқликни сертификатлаштириш ёки декларация қилиш чоғида қўлланиладиган мувофиқликни тасдиқлаш схемасида назарда тутилган бўлса, аккредитация соҳасига мувофиқ аккредитация қилинган лаборатория томонидан амалга оширилади.

### **31-модда. Мувофиқликни баҳолаш органларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг мажбуриятлари**

Мувофиқликни баҳолаш органи ва унинг ходимлари ўзи баҳолайдиган

маҳсулотни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш, ишлатиш ёки унга техник хизмат кўрсатиш учун жавобгар бўлмаслиги керак.

Мажбурий сертификатлаштиришни амалга ошириш чоғида маҳсулотни синаш ва ўлчаш аккредитация қилинган синаш лабораториялари томонидан ўтказилиши керак ҳамда уларнинг натижалари баённомалар тарзида расмийлаштирилади.

Мувофиқликни баҳолаш органлари синаш лабораторияларига аризачи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишга ҳақли эмас.

Мувофиқликни баҳолаш органи синаш лабораторияси томонидан берилган баённомалар асосида мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида ёки уни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

### **32-модда. Чет давлатларнинг мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан берилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини тан олиш**

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **33-модда. Маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажбурий равишда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган, хавф даражаси юқори бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини тасдиқлайди.

Маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказишга фақат, агар маҳсулот Ўзбекистон Республикасида истеъмол қилиш (фойдаланиш) учун хавфсиз бўлса, рухсат берилади.

Махсус ваколатли давлат органи маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказишга ва мазкур маҳсулотдан хавфсиз фойдаланиш бўйича йўриқномани давлат тилида ишлаб чиқишга доир талабларни белгилайди.

### **34-модда. Мувофиқликни баҳолаш органини тайинлаш (нотификация қилиш)**

Тайинлаш (нотификация қилиш) соҳаси мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларининг ва маҳсулот турларининг рўйхати бўлиб, тегишли техник регламентга мувофиқ уларга нисбатан мувофиқликни баҳолаш органи тайинланади.

Мувофиқликни баҳолаш органлари қуйидаги ҳолларда мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларини тегишли техник регламентларга биноан учинчи тараф сифатида бажариш учун тайинланиши (нотификация қилиниши) мумкин, башарти улар:

мулк шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — юридик шахслар бўлса;

сўнги уч йил давомида маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш ишларини бажариш тажрибасига эга бўлса;

белгиланган соҳа доирасида маҳсулотни синашни амалга ошириш учун аккредитация қилинган ўз синаш лабораторияларига эга бўлса;

мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларини тайинланган (нотификация қилинган) органларни жалб этган ҳолда қўллаш назарда тутилган тегишли техник регламентларда белгиланган махсус талабларга, бундай талаблар техник регламентларда белгиланмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус талабларга мувофиқ бўлса.

Тайинловчи орган:

мувофиқликни баҳолаш органлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлмаслигини таъминлаши;

ўзининг тайинлаш тўғрисидаги қарорлари беғаразлигини кафолатлаши;

мувофиқликни баҳолаш органини тайинлашга тааллуқли бўлган ҳар бир қарорнинг мувофиқликни баҳолаш органи билан аффилиланмаган ваколатли шахслар ва мувофиқликни баҳолашни амалга ошираётган шахслар томонидан қабул қилинишини таъминлаши;

олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши керак.

### **5-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш**

#### **35-модда. Давлат назорати органлари**

Техник регламентлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати давлат назорати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Давлат назорати органларининг ваколатлари, уларнинг техник регламентлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби, шунингдек давлат назорати органларининг аккредитация органи билан ҳамкорлиги тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат назоратини амалга ошириш чоғида текширишлар қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

Назорат чоралари техник регламентларда белгиланган талаблар асосида, маҳсулот муомалага чиқарилаётган (истеъмолчига реализация қилинаётган) босқичда амалга оширилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар техник регламентларда маҳсулотни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, ишга тушириш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш, реализация ҳамда утилизация қилиш билан боғлиқ жараёнларга доир талаблар мавжуд бўлса, ушбу талабларнинг бажарилишини таъминлашга доир назорат чоралари ҳам қабул қилиниши керак.

Намуналарни олиш, текшириш, синаш ва (ёки) ўлчаш тарзидаги назоратни амалга оширишда давлат назорати органлари тегишли техник регламентларда белгиланган синаш ва ўлчаш усулларида фойдаланади.

Хавфни баҳолашнинг аниқ мезонлари, давлат назорати органлари тегишли чекловчи чораларни танлайдиган шартлар ва ҳолатлар белгиланиши керак бўлган чекловчи чораларни кўриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **36-модда. Давлат назорати органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат назорати органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, сотувчидан ва импорт қилувчидан мувофиқлик сертификатининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳақида ахборот тақдим этилишини, агар бундай ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши тегишли техник регламентда назарда тутилган бўлса, талаб қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда назорат тадбирларини амалга ошириш;

техник регламентлар талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилига, сотувчига ва импорт қилувчига кўрсатмалар бериш;

мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш зарурлиги тўғрисидаги ахборотни сертификатни берган мувофиқликни баҳолаш органига ва махсус ваколатли давлат органига юбориш;

мувофиқликни баҳолаш органига мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида, декларацияни қабул қилган шахсга мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида кўрсатма бериш ҳамда мувофиқлик сертификатининг, мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд тугатиш ҳақида кўрсатма берилганлиги тўғрисидаги ахборотни аккредитация органига юбориш;

ишлаб чиқарувчини, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилини, сотувчини ва импорт қилувчини ушбу Қонунда ҳамда қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортиш;

ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, сотувчидан ва импорт қилувчидан маҳсулотнинг техник регламент талабларига мувофиқлигини мажбурий тасдиқлашни амалга ошириш чоғида фойдаланилган далиллар ҳамда бошқа ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш;

мувофиқлик сертификатининг, мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилишини қонунчиликда белгиланган тартибда тўхтатиб туриш, тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш;

техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотни муомалага чиқаришни тақиқлаш ёки тўхтатиб туриш, муомаладан чиқариш ёки чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда ушбу қарор ҳақида ўз ваколатларига мувофиқ тегишли давлат назорати органларини хабардор қилиш ва (ёки) ушбу маҳсулотдан фойдаланишни қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар тақиқлаш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа чораларни зарар етказилишига йўл қўймаслик мақсадида қўллаш.

Давлат назорати органлари:

назорат тадбирлари давомида техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш бўйича тушунтириш ишларини амалга ошириши, мавжуд техник регламентлар ҳақида хабардор қилиши;

тижорат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этмаслиги;

қонунчиликда белгиланган назорат тадбирларини амалга ошириш ва бундай тадбирлар натижаларини расмийлаштириш тартибига риоя этиши;

техник регламентлар талабларининг бузилишлари оқибатларини бартараф этиш юзасидан назорат тадбирлари натижаларига асосан чоралар кўриши;

маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ахборотни ишлаб чиқарувчига, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилига, сотувчига ва импорт қилувчига юбориши шарт.

### **37-модда. Давлат назорати органларининг ва улар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги**

Давлат назорати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари назорат тадбирлари ўтказилаётганда ўз ваколатларини (хизмат вазифаларини) бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёки ғайриҳуқуқий ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этган тақдирда, белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат назорати органлари айбдор бўлган ўз мансабдор шахсларига нисбатан кўрилган чоралар тўғрисида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тадбиркорлик субъектларига бир ой ичида хабар қилиши шарт.

### **38-модда. Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ахборот**

Муомалага чиқарилган маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолган ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи ёки ижрочи мазкур ахборот олинган пайтдан эътиборан ўн кун ичида бу ҳақда давлат назорати органига хабар қилиши шарт.

Муомалага чиқарилган маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ахборотни олган ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи ёки ижрочи уни ишлаб чиқарувчига ўн кун ичида етказиши шарт.

Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи ёки ижрочи ҳисобланмайдиган ва муомалага чиқарилган маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолган шахс ушбу ахборотни давлат назорати органига юборишга ҳақли.

Давлат назорати органи муомалага чиқарилган маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ахборотни олгач, ахборот келиб тушганлиги ҳақида ишлаб чиқарувчини, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилини, сотувчини, импорт қилувчини ёки ижрочини беш кун ичида хабардор қилиши шарт.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ эмас деб топилган маҳсулотлар реестридан маҳсулотни у мазкур реестрга киритилган кундан эътиборан олти ой ичида чиқариш, шунингдек мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ва импорт қилувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш ва эркин муомалага чиқариш тақиқланади.

**39-модда. Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот олинган тақдирда ишлаб чиқарувчининг, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилининг, сотувчининг ва импорт қилувчининг мажбуриятлари**

Агар амалга ошириладиган тадбирлар мазмунидан узоқроқ муддатни белгилаш зарурати келиб чиқмаса, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ахборот олинган пайтдан эътиборан ўн кун ичида ушбу ахборотнинг ишончилигини текшириши шарт. Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи мазкур текширув материалларини давлат назорати органининг талабига кўра ушбу органга тақдим этиши шарт.

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ахборотнинг ишончилиги тасдиқланган тақдирда, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи зарар етказилишининг олдини олиш бўйича тадбирлар дастурини бундай ахборотнинг ишончилиги тасдиқланган пайтдан эътиборан ўн кун ичида ишлаб чиқиши ва ушбу дастурни ўз ваколатларига мувофиқ давлат назорати органи билан келишиши шарт.

Зарар етказилишининг олдини олиш бўйича тадбирлар дастури харидорларни (истеъмолчиларни) зарар етказилиши хавфи мавжудлиги ва уни бартараф этиш усуллари, шунингдек бундай тадбирларни амалга ошириш муддатлари тўғрисида хабардор қилишга доир тадбирларни ўз ичига олади.

Агар зарар етказилишини бартараф этиш учун қўшимча харажатларни амалга ошириш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи зарар етказилишини бартараф этишга доир барча тадбирларни ўз ҳисобидан амалга ошириши шарт, уларни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда эса, маҳсулотнинг чақириб олиниши тўғрисида эълон қилиши ва харидорларга маҳсулот чақириб олиниши муносабати билан етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Маҳсулотнинг нуқсонларини бартараф этиш, шунингдек уни нуқсонлар бартараф этиладиган жойга етказиш ҳамда харидорларга ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи томонидан ўз ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни муомаладан чиқариш сотувчилар томонидан ўз тасарруфидаги тегишли маҳсулотнинг ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчига қайтари-

лишини ва харидорларга (истеъмомчиларга) бундай маҳсулотни таклиф этиш тугатилишини назарда тутади.

Маҳсулотни чақириб олиш харидорларга (истеъмомчиларга) сотиб бўлинган тегишли маҳсулотнинг уни ишлаб чиқарувчига қайтарилишини назарда тутади.

Агар зарар етказилиши хавфини белгиланган тадбирларни амалга ошириш орқали бартараф этиш мумкин бўлмаса, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни дарҳол тўхтатиши, маҳсулотни чақириб олиши ҳамда маҳсулот чақириб олиниши муносабати билан юзага келган зарарларнинг ўрнини харидорларга (истеъмомчиларга) коплаши, маҳсулотга доир мувофиқлик тўғрисидаги сертификатнинг ёки мувофиқлик ҳақидаги декларациянинг амал қилишини дарҳол тугатиши шарт.

Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастурининг бутун амалга оширилиш даврида харидорларга (истеъмомчиларга) зарур ҳаракатлар тўғрисида тезкор ахборот олиш имкониятини ўз ҳисобидан таъминлаши шарт.

#### **40-модда. Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот олинган тақдирда давлат назорати органларининг ҳаракатлари**

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот олинган тақдирда давлат назорати органлари олинган ахборотнинг ишончлилигини текширишни мумкин қадар қисқа муддатларда амалга оширади.

Олинган ахборотнинг ишончлилигини текширишни амалга ошириш чоғида давлат назорати органлари:

маҳсулот тўғрисидаги ёки маҳсулотга доир талаблар билан боғлиқ бўлган маҳсулотни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, ишга тушириш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш, реализация ҳамда утилизация қилиш жараёнлари тўғрисидаги қўшимча ахборотни, шу жумладан мажбурий мувофиқликни тасдиқлашни амалга ошириш чоғида ўтказилган тадқиқотлар (синаш) ва ўлчаш натижаларини ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, ижрочидан, сотувчидан, импорт қилувчидан ва бошқа шахслардан сўраб олишга;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига сўровлар юборишга;

зарур бўлганда, мутахассисларни олинган материалларни таҳлил қилиш учун жалб этишга;

ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, сотувчидан, импорт қилувчидан маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини мажбурий равишда тасдиқлашни амалга ошириш чоғида фойдаланилган далилларни ва бошқа ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли.

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги



тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги тасдиқланган тақдирда, давлат назорати органи ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи томонидан зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастурини ўн кун ичида ишлаб чиқиш ҳақида ўз ваколатларига мувофиқ кўрсатма беради, уни бажаришга кўмаклашади ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Давлат назорати органи зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастурининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида: зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги ахборотни тарқатишга кўмаклашади;

ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, сотувчидан, импорт қилувчидан ва бошқа шахслардан зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастурида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сўраб олади;

зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастурида кўрсатилган муддатларга риоя этилишини текширади.

Техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотдан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилишини ёхуд шундай зарар етказилиши хавфини бартараф этиш бўйича зудлик билан чоралар кўриш зарур бўлган тақдирда, давлат назорати органи:

ушбу маҳсулотнинг реализация қилинишини тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатма беради;

бу маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги ва ушбу маҳсулотдан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилиши хавфи тўғрисида харидорларни (истеъмолчиларни) оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади;

ушбу маҳсулотни мажбурий равишда чақириб олиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи давлат назорати органининг ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

Давлат назорати органи ҳаракатларининг ғайриқонунийлиги тўғрисида суд қарори қабул қилинган тақдирда, давлат назорати органининг ҳаракатлари туфайли ишлаб чиқарувчига, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилига, сотувчига, импорт қилувчига етказилган зарарнинг ўрни қоплаши лозим.

#### **41-модда. Маҳсулотни мажбурий равишда чақириб олиш**

Ушбу Қонунда назарда тутилган кўрсатма бажарилмаган тақдирда, давлат назорати органи ўз ваколатларига мувофиқ, шунингдек зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастури ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи томонидан бажарилмаганлиги ҳақида ўзига маълум бўлиб қолган бошқа шахслар маҳсулотни мажбурий равишда чақириб олиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Маҳсулотни мажбурий равишда чақириб олиш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилган тақдирда, суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жавобгар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали ёки бошқача усулда харидорлар (истеъмолчилар) эътиборига етказилади.

Жавобгар суднинг қарорини суд томонидан белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, суднинг қарорини бажариш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда даъвогар маҳсулотнинг мажбурий равишда чақириб олиниши тўғрисида харидорларни (истеъмолчиларни) оммавий ахборот воситалари орқали ёки бошқача усулда хабардор қилишга ҳақли.

### **6-боб. Ишлаб чиқарувчининг, сотувчининг, импорт қилувчининг мажбуриятлари**

#### **42-модда. Ишлаб чиқарувчининг мажбуриятлари**

Ишлаб чиқарувчилар:

хавфсиз маҳсулотни муомалага чиқариши;

мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилининг амалга оширилишини техник регламентга мувофиқ таъминлаши;

техник ҳужжатларни тузиши ва муайян вақт давомида уларни сақлаши;

мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни техник регламентга мувофиқ тузиши ва тақдим этиши ҳамда уни кўрсатилган вақт давомида сақлаши;

агар техник регламентда назарда тутилган бўлса, ушбу Қонун талабларига биноан мувофиқлик белгисини қўйиши шарт.

Ишлаб чиқарувчи маҳсулотга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ маҳсулотни идентификация қилиш имконини берувчи туркум ёки серия рақамини қўйиши шарт. Агар маҳсулотнинг ўлчами ёки бошқа хусусиятлари туфайли ишлаб чиқарувчи туркум ёки серия рақамини қўя олмаса, у ўровда ёки маҳсулотга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилиши керак.

Ишлаб чиқарувчининг айрим мажбуриятлари шартномага мувофиқ ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили зиммасига юклатилиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **43-модда. Сотувчининг мажбуриятлари**

Сотувчи:

маҳсулотга техник регламентга мувофиқ мувофиқлик белгиси қўйилганлигини текшириши;

техник регламентга мувофиқ давлат тилидаги қўшимча ҳужжатлар ва маҳсулот хавфсизлиги тўғрисидаги ахборот мавжудлигини текшириши;

сақлаш ва транспортда ташиш шарт-шароитлари маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини хавф остига қўймаслигини маҳсулот реализация қилингунига қадар қафолатлаши шарт.

Агар сотувчи маҳсулот техник регламентлар талабларига жавоб бермайди

деб ҳисобласа, у маҳсулотни техник регламент талабларига мувофиқлаштириш мақсадида тузатиш чораларини кўриши шарт.

Агар кўрилган тузатиш чораларидан кейин маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги бартараф этилмаса, сотувчи ишлаб чиқарувчини, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилини ёки импорт қилувчини, шунингдек давлат назорати органларини бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

#### **44-модда. Импорт қилувчининг мажбуриятлари**

Импорт қилувчи:

техник регламент талабларига жавоб берадиган маҳсулотни бозорда жойлаштириши;

маҳсулотни муомалага чиқаришда ишлаб чиқарувчи назарда тутилган мувофиқликни тасдиқлаш тартиб-таомилини амалга оширганлигини, техник ҳужжатларни ишлаб чиққанлигини, техник регламент талабларига мувофиқ маҳсулотга мувофиқлик белгисини қўйганлигини кафолатлаши;

маҳсулотнинг техник регламент талабларига мувофиқ эмаслигини бартараф этиш учун сақлаш ёки транспортда ташиш шарт-шароитларини назорат қилиши шарт.

Агар импорт қилувчи маҳсулот техник регламент талабларига жавоб бермайди деб ҳисобласа, у маҳсулот бозорга жойлаштирилгунига қадар унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тузатиш чораларини кўриши шарт.

Агар кўрилган тузатиш чораларидан кейин маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги бартараф этилмаса, импорт қилувчи бу ҳақда ишлаб чиқарувчини ва давлат назорати органларини хабардор қилиши шарт.

#### **45-модда. Юқори хавф туғдирадиган маҳсулот тўғрисида тезкор равишда ўзаро хабар бериш тизими**

Юқори хавф туғдирадиган маҳсулот тўғрисида ахборот алмашиш мақсадида давлат назорати органлари ўртасида юқори хавф туғдирадиган маҳсулот ҳақида тезкор равишда ўзаро хабар бериш тизими яратилади ва фаолият кўрсатади.

Юқори хавф туғдирадиган маҳсулот тўғрисида тезкор равишда ўзаро хабар бериш тизими давлат назорати органлари юқори хавф туғдирадиган маҳсулотни аниқлаган тақдирда, улар томонидан тақдим этиладиган хабарлардан шакллантирилади.

Юқори хавф туғдирадиган маҳсулот тўғрисидаги хабар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тегишли маҳсулотни идентификация қилиш имконини берувчи маълумотларни;

маҳсулот келтириб чиқарадиган хавфнинг тавсифини, бундай маҳсулот намуналарини синаш натижасини;

хавфни бартараф этиш учун кўрилган чораларнинг (агар бундай чоралар кўрилган бўлса), шу жумладан ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг вако-

латли вакили, сотувчи ва (ёки) импорт қилувчи томонидан ўз ташаббусига кўра кўрилган чораларнинг хусусияти ва давомийлиги тўғрисидаги ахборотни;

ушбу маҳсулотнинг келиб чиқиши ва бозорга етказиб берилиши занжири ҳақидаги ахборотни;

ҳалқаро, минтақавий ва чет эл хабар қилиш тизимлари ёрдамида ёки бошқа давлатларнинг ваколатли органларидан бошқача тарзда олинган маълумотларни.

Юқори хавф туғдирадиган маҳсулот тўғрисида тезкор равишда ўзаро хабар бериш тизимидаги маълумотлар давлат назорати органлари, божхона органлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назорати соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фойдаланиши учун очик бўлиши керак.

Юқори хавф туғдирадиган маҳсулот ҳақида тезкор равишда ўзаро хабар бериш тизимининг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

#### **7-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

#### **46-модда. Қонунчиликда ва техник регламентда белгиланган мажбурий талабларга риоя этилмаган тақдирда ишлаб чиқарувчининг, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилининг, сотувчининг, импорт қилувчининг жавобгарлиги**

Белгиланган тартибда огоҳлантириш олганидан кейин техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликни давом эттирганлик ёки бартараф этмаганлик учун жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади. Белгиланган тартибда огоҳлантириш олганидан кейин техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликни давом эттирганлик ёки бартараф этмаганлик учун юридик шахсларга нисбатан ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади.

Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи томонидан қонунчиликда ва техник регламентда маҳсулотга доир назарда тутилган мажбурий талабларга риоя этилмаган тақдирда, уларга нисбатан:

ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганда — мажбурий талабларга мувофиқ бўлмаган, реализация қилинган маҳсулот қийматининг эллик фоизгача миқдорда жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади;

худди шундай ҳуқуқбузарлик ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган жарима тарзидаги молиявий санкция қўлланилган кундан эътиборан бир йил давомида такроран содир этилганда — мажбурий талабларга мувофиқ бўлмаган, реализация қилинган маҳсулот

қийматининг юз фоизигача миқдорда жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жарима тарзидаги молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, бундан маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакиллари, сотувчилар ёки импорт қилувчилар содир этилган ҳуқуқбузарликда айбдорлигини тан олган ва молиявий санкциялар суммаси бир ой муддатда ихтиёрий равишда тўланган ҳоллар мустасно.

Ундирилган жарима суммасининг эллик фоизи Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

Агар маҳсулотга, уни ишлаб чиқариш жараёнларига ёки усулларига нисбатан қонунчиликда ва техник регламентда белгиланган мажбурий талабларга ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи томонидан риоя этилмаганлиги натижасида фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига, давлат мулкига, атроф-муҳитга, ҳайвонларга ёки ўсимликларга зарар етказилса ёки шундай зарар етказилиши хавфи юзага келса, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи, ижрочи етказилган зарарнинг ўрнини қонунчиликка мувофиқ қоплаши ҳамда бошқа шахсларга, уларнинг мол-мулкига, атроф-муҳитга зарар етказилишига йўл қўймаслик мақсадида чоралар кўриши шарт.

Зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти шартнома ёки тарафлардан бирининг аризаси билан чекланиши мумкин эмас.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жарима тарзидаги молиявий санкцияни қўллаш тўғрисидаги қарор устидан ушбу Қонунга мувофиқ шикоят қилиниши мумкин.

Жаримани тўлаш юридик шахсларни маҳсулот харидорларига (истеъмоличиларига) етказилган зарар учун жавобгарликдан озод этмайди.

#### **47-модда. Мувофиқликни баҳолаш органларининг жавобгарлиги**

Мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузган мувофиқликни баҳолаш органи ва унинг мансабдор шахслари, агар мазкур камчилик техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ёки аризага зарар етказилишига, шу жумладан мувофиқлик сертификатини бериш асосиз равишда рад этилиши, мувофиқлик сертификатининг ёхуд мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши натижасида фойданинг йўқотилишига олиб келса, қонунга ҳамда сертификатлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ жавобгар бўлади.

Аккредитация қилинган синаш лабораториялари (марказлари) тадқиқотларнинг (синашнинг) ва ўлчаш натижаларининг ишончсизлиги ёки нотўғрелиги учун қонунга ҳамда шартномага мувофиқ жавобгар бўлади.

Мувофиқликни баҳолаш натижалари бўйича ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги тўғрисида давлат назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан баённома тузилади, баённома маъмурий жазони ва жарима тарзидаги молиявий санкцияларни қўллаш учун асос бўлиб, раҳбарнинг, бошқа масъул мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги билан боғлиқ ҳужжатлар билан бирга уч иш куни ичида судга топширилади.

Ҳуқуқбузарликлар учун жарима тарзидаги молиявий санкциялар миқдори ҳуқуқбузарликнинг хавф даражасига ва давомийлигига қараб қуйидагича белгиланади:

маҳсулотнинг мувофиқлиги нотўғри декларация қилинганлиги, мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган, илк бор муомалага чиқарилаётган маҳсулотнинг мувофиқлиги нотўғри декларация қилинганлиги ёки стандартлар мавжуд эмаслиги натижасида ёки ушбу маҳсулотга нисбатан техник регламентлар талаблари қўлланилганлиги учун мавжуд стандартларни қўллаб бўлмаслиги натижасида маҳсулот шахсий далиллар асосида нотўғри декларация қилинганлиги аниқланганда — базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида жарима тарзидаги молиявий санкциялар;

мувофиқлик сертификатини беришни асоссиз равишда рад этганлик, мувофиқлик сертификатининг ёхуд мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб турганлик ёки тугатганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдорида жарима тарзидаги молиявий санкциялар;

сертификатлаштириш ишларини бажаришда белгиланган тартиб-таомиллар бузилган тақдирда — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баравари миқдорида жарима тарзидаги молиявий санкциялар;

синаш лабораторияси томонидан маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш мақсадида амалга оширилган синаш натижаларининг нотўғри тақдим этилганлиги ва ҳолисликни таъминламаслиги аниқланганда — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баравари миқдорида жарима тарзидаги молиявий санкциялар.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жарима тарзидаги молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарор устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Жарима тарзидаги молиявий санкцияларни тўлаш юридик шахсни маҳсулот истеъмолчиларига етказилган зарар учун жавобгарликдан озод этмайди.

## **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

### **48-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш**

Техник регламентларни ишлаб чиқишни, қайта кўриб чиқишни, техник регламентларни қўллашга доир услубий тавсияларни ишлаб чиқишни, давлат назоратини амалга оширишни, шунингдек ваколатли давлат органларининг стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқ-

аро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурида назарда тутилмаган техник регламентларни ишлаб чиқишга оид ишларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

#### **49-модда. Низоларни ҳал этиш**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **50-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Метрология тўғрисида**»ги 1004–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–614-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 4, 254-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **28-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисмдаги** «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг» деган сўзлар «ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив ҳужжатларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмдаги** «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг» деган сўзлар «ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив ҳужжатларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 221–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 4-модда) **1-моддасининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**норматив ҳужжатлар** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар (шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, давлат фармакопеяси ҳамда фармакопея мақолалари), техник тавсифлар, рецептуралар, шунингдек товарнинг (ишнинг, хизматнинг) сифа-

тига ва хавфсизлигига доир мажбурий талабларни ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар».

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»**ги 1006–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 50-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 1007–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 51-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 125–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 217-модда) **IV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 482–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 67-модда) **IX бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–31-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **1-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **6-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелда қабул қилинган **«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–213-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 140-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»**ги ЎРҚ–354-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 262-модда);



9) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **6-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **5-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **43-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–401-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 1, 2-модда) **1-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–405-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда) **22-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **20 ва 24-моддалари**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **32-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжат-**

ларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **68** ва **72-моддалари**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрда қабул қилинган «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–597-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 891-модда) **15** ва **18-моддалари**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–666-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 1, 13-модда) **9-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **38**, **194** ва **219-моддалари**.

**51-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**52-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**53-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 февраль,  
ЎРҚ–819-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**64 Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
7 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисидаги қонунчилик**

Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аккредитация** — мувофиқликни баҳолаш органларининг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколатлилигини аккредитация органи томонидан расман тасдиқлаш;

**аккредитация бўйича баҳоловчи** — мувофиқликни баҳолаш органини баҳолаш учун аккредитация органи томонидан тайинланган, мазкур фаолиятни мустақил равишда ёки баҳолаш гуруҳи таркибида амалга оширадиган жисмоний шахс;

**аккредитация бўйича кенгаш** — миллий аккредитация тизимининг фаолият кўрсатишини баҳолаш, қўйилган мақсадларга эришилишини мониторинг қилиш ва миллий аккредитация тизимини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун ташкил этилган коллегиял маслаҳат органи;

**аккредитация бўйича техник эксперт** — аккредитация органи томонидан тайинланган, аккредитация бўйича баҳоловчи раҳбарлиги остида ишлайдиган, баҳоланаётган аккредитация соҳасида махсус билимларга ёки кўникмаларга эга бўлган ва баҳолашни мустақил равишда амалга оширадиган жисмоний шахс;

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 февралда эълон қилинган.

**аккредитация органи** — мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилишга оид фаолиятни амалга оширувчи ваколатли орган;

**аккредитация соҳаси** — фаолиятнинг муайян соҳаси бўлиб, унда аккредитация учун ариза берувчининг ёхуд аккредитация қилинган субъектнинг ваколатлилиги тасдиқланади ёки тасдиқланган бўлади;

**аккредитация учун ариза берувчи** — аккредитация учун ариза берган мувофиқликни баҳолаш органи;

**аккредитация цикли** — аккредитация қилинган субъект миллий аккредитация тизими реестрида рўйхатга олинган санадан эътиборан амал қиладиган аккредитация муддати;

**аккредитация қилинган субъект** — миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органи;

**апелляция** — аккредитация учун ариза берувчининг ёки аккредитация қилинган субъектнинг ўзига нисбатан аккредитация органи томонидан қабул қилинган аккредитацияга доир салбий қарорни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ёзма сўрови;

**даврий баҳолаш** — аккредитация қилинган субъект фаолиятининг аккредитация даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини аккредитация циклида қайта баҳолаш тартиб-таомили;

**мувофиқликни баҳолаш** — мувофиқликни баҳолаш объектига нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этилишини аниқлашга оид фаолият;

**мувофиқликни баҳолаш органи** — мувофиқликни баҳолашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

#### **4-модда. Аккредитациянинг асосий вазифалари**

Аккредитациянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
манфаатдор тарафларнинг аккредитациядан ўтган субъектлар фаолиятига бўлган ишончини таъминлаш;

мувофиқликни баҳолаш соҳасида ягона техника сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

аккредитация қилинган субъектларнинг фаолияти натижалари халқаро даражада тан олинishi ва қабул қилиниши учун шарт-шароитлар яратиш.

#### **5-модда. Аккредитациянинг асосий принциплари**

Аккредитациянинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:  
ихтиёрийлик;

холислик ва беғаразлик;

ваколатлилик;

аккредитация тартиб-таомилларининг шаффофлиги ва очиқлиги;

аккредитация шартларининг тенглиги;

махфий ахборотнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик;

аккредитацияга оид фаолият билан мувофиқликни баҳолаш фаолиятини қўшиб олиб боришга йўл қўймаслик.

## **2-боб. Аккредитация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

### **6-модда. Аккредитация соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Аккредитация соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

аккредитация соҳасидаги миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш;

илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аккредитация соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

аккредитация соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аккредитация соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

аккредитация соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди, давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

аккредитация соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **8-модда. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг аккредитация соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги аккредитация соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

аккредитация соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

аккредитация соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

мувофиқликни баҳолаш органларининг ваколатлилигига оид талабларни ва мезонларни белгиловчи стандартларни қабул қилади;

аккредитация соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этади;

аккредитация органи томонидан апелляция ва шикоятларни кўриб чиқиш натижаларини, паритет баҳолашга оид хулосаларни, молиявий ҳисоботларни даврий таҳлил қилишни, стратегик режаларнинг ҳамда аккредитация тизимини ривожлантиришга доир бошқа режаларнинг бажарилишини даврий таҳлил қилишни амалга оширади;

мустақил консалтинг ёки аудиторлик ташкилотларини жалб этиш орқали аккредитация органи фаолиятининг мониторингини амалга оширади;

аккредитация тизимини ривожлантириш ва тартибга солишга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, тақдимномаларни аккредитация органига киритади;

аккредитация бўйича кенгашнинг низомини ва таркибини тасдиқлайди.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Миллий аккредитация тизими**

#### **9-модда. Миллий аккредитация тизими ва унинг иштирокчилари**

Миллий аккредитация тизими мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш қоидаларини ва тартиб-таомилини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ давлат миқёсида фаолият кўрсатувчи тизимдир.

Миллий аккредитация тизими иштирокчилари қуйидагилардан иборат:

махсус ваколатли давлат органи;

аккредитация бўйича кенгаш;

аккредитация органи;

аккредитация қилинган субъектлар;

аккредитация бўйича баҳоловчилар ва техник экспертлар;

аккредитация бўйича техник қўмиталар.

#### **10-модда. Аккредитация объекти ва унга нисбатан белгиланган талаблар**

Мувофиқликни баҳолаш органларининг муайян аккредитация соҳасида мувофиқликни баҳолаш ишларини бажаришга ваколатлилиги аккредитация объектидир.

Мувофиқликни баҳолаш органларининг ваколатлилигига оид талаблар ва мезонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, шунингдек халқаро ва миллий стандартлар билан белгиланади.

#### **11-модда. Аккредитация белгисини қўллаш**

Аккредитация қилинган субъект ўзининг аккредитация мақомини кўрсатиш учун аккредитация органи томонидан берилган аккредитация белгисини қўллаши мумкин.

Аккредитация қилинган субъект аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани олиш билан бир вақтда унинг амал қилиш муддатида аккредитация белгисини қўллаш ҳуқуқини олади.

Аккредитация қилинган субъект аккредитация белгисига тенг бўлган миллий аккредитация тизими реестрида рўйхатдан ўтказилган рақамга оид матнли ҳаволани ўз хоҳишига кўра қўллаши мумкин.

Аккредитация белгисининг шакли ва уни қўллаш тартиби аккредитация органи томонидан белгиланади.

Аккредитация белгисини қўллаш пулли асосда амалга оширилади. Аккредитация белгисини қўллаш учун тўлов миқдори қонунчиликда белгиланади.

### **12-модда. Миллий аккредитация тизими реестрини шакллантириш ва юритиш**

Миллий аккредитация тизими реестри аккредитация қилинган субъектлар тўғрисидаги, шунингдек аккредитация тўғрисидаги гувоҳномаларнинг жорий мақоми ҳақидаги расмий ахборот базасидир.

Миллий аккредитация тизими реестрини шакллантириш ва юритиш аккредитация органи томонидан амалга оширилади.

Миллий аккредитация тизими реестри танишиб чиқиш учун очикдир.

Миллий аккредитация тизими реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби аккредитация органи томонидан белгиланади.

### **13-модда. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома ва аккредитация соҳаси**

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома аккредитация қилинган субъектнинг аккредитациянинг белгиланган соҳасидаги ишларни бажаришга ваколатлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Аккредитация соҳаси аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг ажралмас қисми бўлган иловада белгиланади.

Аккредитация соҳаси техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳамда ўлчаш бирлигини таъминлашга доир норматив ҳужжатларга, синаш усулларига (услугиятларига) ёки мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тартиб-таомилларини белгиловчи ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли аккредитация органи томонидан белгиланади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, аккредитация қилинган субъект аккредитация тўғрисидаги гувоҳномага тегишли ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун аккредитация органига мурожаат қилиши мумкин.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома аккредитация циклида беш йил муддатга берилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномадан бошқа шахснинг фойдаланиши тақиқланади.

**14-модда. Аккредитациянинг тан олиниши**

Миллий аккредитация тизимидан ташқарида олинган аккредитация Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тан олинади.

**4-боб. Аккредитация органи****15-модда. Аккредитация органи фаолиятининг шартлари**

Аккредитация органи мустақил юридик шахсдир ва у махсус ваколатли давлат органининг тизимига ҳамда ташкилий тузилмасига киради.

Аккредитация органининг фаолияти аккредитация органига нисбатан умумий талабларни белгилловчи халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ ташкил этилиши керак.

Аккредитация органининг фаолиятида қўйидагилар таъминланиши керак:

аккредитация органининг ўзи аккредитация ўтказётган мувофиқликни баҳолаш органларидан мустақиллиги;

мувофиқликни баҳолаш органларига маслаҳат хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмаслиги;

аккредитация қилинадиган мувофиқликни баҳолаш фаолиятини амалга оширишга йўл қўйилмаслиги;

мувофиқликни баҳолаш органларида мулкӣ ҳуқуқларнинг ва (ёки) бошқарув ҳуқуқининг мавжуд бўлишига йўл қўйилмаслиги;

ўз хизматларидан фойдаланувчилардан беғараз, ҳомийлик ёрдами ёки бошқа моддий ёрдам олинишига йўл қўйилмаслиги.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари аккредитация органининг ушбу Қонунга мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

**16-модда. Аккредитация органининг ваколатлари**

Аккредитация органи:

аккредитацияни, такрорӣ аккредитацияни амалга оширади ҳамда аккредитация учун ариза берувчи ваколатлиликка оид белгиланган талабларга ва мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳномаларни расмийлаштиради, уларга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритади;

даврий баҳолашни ўтказиши;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг шаклини, шунингдек аккредитация белгисининг шаклини ва уни қўллаш тартибини белгилайди;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклайди ёки тугатади;

аккредитация бўйича баҳоловчиларнинг ва техник экспертларнинг малакасини баҳолашни амалга оширади ҳамда уларнинг рўйхатини юритади;



аккредитация соҳасида ўз ваколатлари доирасида халқаро шартномалар тузади;

миллий аккредитация тизимининг реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди;

аккредитация бўйича техник қўмиталар, апелляция комиссияси тўғрисидаги низомларни ва уларнинг таркибини тасдиқлайди.

Аккредитация органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **17-модда. Аккредитация бўйича техник қўмиталар**

Аккредитация бўйича техник қўмиталар аккредитация соҳасидаги маслаҳат органи бўлиб, улар аккредитация масалалари бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек зарур бўлганда аккредитация органига унинг аккредитация билан боғлиқ ҳолда қабул қилинаётган қарорларига нисбатан тавсиялар тайёрлаш учун аккредитация органи томонидан ташкил этилади.

Аккредитация бўйича техник қўмиталар юридик шахс бўлмайди.

Аккредитация бўйича техник қўмиталар тўғрисидаги низом ва ушбу қўмиталар таркиби аккредитация органи томонидан тасдиқланади.

### **18-модда. Апелляция комиссияси**

Апелляция комиссияси аккредитация органининг аккредитацияни амалга оширишга, аккредитация қилишни рад этишга, аккредитациянинг амал қилишини тўхтатиб туришга ёки тугатишга, аккредитация соҳасини кенгайтиришга ва қисқартиришга доир қарорлари бўйича апелляцияларни кўриб чиқиш ҳамда қарорлар қабул қилиш мақсадида аккредитация органи ҳузурида тузилади.

Апелляция комиссияси кўриб чиқилаётган қарорни қабул қилишда иштирок этмаган аккредитация бўйича баҳоловчилар ва техник экспертлар орасидан шакллантирилади.

Апелляция комиссияси тўғрисидаги низом ва комиссиянинг таркиби аккредитация органи томонидан тасдиқланади.

### **5-боб. Аккредитацияни амалга ошириш тартиби**

#### **19-модда. Аккредитацияни амалга ошириш**

Аккредитация органи аккредитацияни аккредитация олиш учун берилган ариза асосида, шунингдек, башарти аккредитацияга оид ишларни бажаришга доир шартнома тузилган бўлса, амалга оширади.

Аккредитация тартиб-таомилидан ўтиш кетма-кетлиги, ушбу Қонун талаблари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ белгиланади.

Аккредитациядан ўтиш натижаси ижобий бўлганда аккредитация циклига аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилади.

Аккредитациядан ўтказиш тартибида белгиланган барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда, аккредитация органи аккредитацияни ўтказишни рад этади.

Аккредитация учун ариза берувчининг аккредитация натижаларига кўра, ариза берилган аккредитация соҳасидаги мувофиқликни баҳолаш ишларини бажаришга ваколатлилиги тасдиқланмаган тақдирда, аккредитация органи аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, аккредитация органи ва аккредитация қилинган субъект ўртасида аккредитациядан кейинги шартнома тузилади, унда қуйидагилар акс эттирилади:

аккредитация органи ва аккредитация қилинган субъект ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шу жумладан тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

аккредитация қилинган субъектни даврий баҳолашни амалга ошириш шартлари;

аккредитация белгисини қўллаш шартлари.

### **20-модда. Даврий баҳолаш**

Даврий баҳолаш аккредитация қилинган субъектларнинг уларга нисбатан белгиланган ваколатлиликка оид талабларга ва мезонларга доимий мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек уларнинг мувофиқлигини қайта тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

Даврий баҳолаш тартиб-таомили ҳамда унинг муддатлари аккредитациядан ўтказишнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибига мувофиқ аниқланади ва у аккредитациянинг ажралмас қисми бўлади. Даврий баҳолаш чоғида аккредитация қилинган субъект билан ишларни бажаришга доир шартнома тузилади.

### **21-модда. Аккредитациянинг амал қилиши ва такрорий аккредитация**

Аккредитация, агар аккредитациянинг амал қилиши тугатилмаган бўлса, аккредитация тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган муддат давомида амал қилади.

Аккредитациянинг амал қилиши тугатилган тақдирда, унинг амал қилиши қайта тикланмайди.

Такрорий аккредитация, башарти аккредитация қилинган субъект аккредитациянинг амал қилиши тугагунига қадар ариза берган бўлса, ушбу субъектнинг аввалги фаолияти натижалари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

### **22-модда. Аккредитациянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш**

Аккредитациянинг амал қилиши аккредитация органининг қарори билан белгиланган тартибда тўхтатиб турилади, қайта тикланади ёки тугатилади.

Аккредитациянинг амал қилиши аккредитация қилинган субъектнинг ташаббусига кўра тўхтатиб турилиши, қайта тикланиши ёки тугатилиши мумкин.

Аккредитация органининг аккредитациянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги қарори устидан апелляция комиссиясига ёки суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Аккредитациянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган аккредитациядан ўтказиш тартибида белгиланади.

### **23-модда. Аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш**

Аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш аккредитация қилинган субъектнинг аккредитация соҳасига аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ ўзгартишлар киритиш орқали аккредитация органи томонидан амалга оширилади.

### **24-модда. Аккредитацияга, даврий баҳолашга ва аккредитация соҳасини кенгайтиришга оид ишларни бажаришга доир шартномалар**

Аккредитация, даврий баҳолаш ва аккредитация соҳасини кенгайтириш ушбу Қонунга, шунингдек аккредитация органи ва аккредитация учун ариза берувчи ёки аккредитация қилинган субъект ўртасида қонунчилик талабларига мувофиқ тузиладиган шартномага асосан амалга оширилади.

Аккредитацияга, аккредитация қилинган субъектни даврий баҳолашга ва аккредитация соҳасини кенгайтиришга оид ишларни бажаришга доир шартнома тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган хизматларнинг қиймати сарфланган вақт ва хизмат сафарлари харажатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Шартномага мувофиқ аккредитацияга оид ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар аккредитация учун ариза берувчи томонидан, даврий баҳолашга ва аккредитация соҳасини кенгайтиришга оид ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар эса, уларнинг натижаларидан қатъи назар, аккредитация қилинган субъект томонидан тўланади.

Аккредитацияга, даврий баҳолашга ва аккредитация соҳасини кенгайтиришга оид ишларни бажаришга сарфланган вақтнинг ҳисоб-китоб услубиёти аккредитация органи томонидан белгиланади ҳамда унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

### **25-модда. Аккредитация учун ариза берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Аккредитация учун ариза берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
аккредитация органига аккредитация учун ариза билан мурожаат қилиш;

аккредитацияга оид ишларни бажариш учун шартнома тузиш;  
аккредитация органининг қарори устидан апелляция комиссиясига апелляция бериш ва (ёки) суд тартибида шикоят қилиш.

Аккредитация учун ариза берувчи қонунчиликка ҳамда аккредитацияга оид ишларни бажаришга доир шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аккредитация учун ариза берувчининг зиммасида аккредитация қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига, мувофиқликни баҳолаш органларига нисбатан халқаро ва миллий стандартларда, аккредитация соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида белгиланган талабларга ва мезонларга риоя этиш, шунингдек аккредитация жараёнида уларнинг бажарилаётганлигини исботлаш мажбуриятлари бўлади.

### **26-модда. Аккредитация қилинган субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Аккредитация қилинган субъект:

аккредитация органига аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш, такрорий аккредитациядан ўтказиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш;

аккредитация органига аккредитация тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш;

аккредитация белгисини ушбу Қонун талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ қўллаш;

аккредитация органининг қарори устидан апелляция комиссиясига апелляция бериш ва (ёки) суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Аккредитация қилинган субъектлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш мақсадида, қонунчиликнинг барча талабларига, миллий аккредитация тизимида аккредитация қилиш тартибини ва тартиб-таомилларини белгиловчи қоидаларга, қўлланмаларга, йўриқномаларга ҳамда бошқа ҳужжатларга риоя этган ҳолда, аккредитация қилинган субъектларнинг уюшмаларини ташкил этиши мумкин.

Аккредитация қилинган субъект қонунчиликка ва даврий баҳолашга оид ишларни бажаришга, аккредитация соҳасини кенгайтиришга доир шартномага, шунингдек аккредитациядан кейинги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аккредитация қилинган субъект:

аккредитация органига мувофиқликни баҳолаш ишларининг бажарилиши юзасидан ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиши;

даврий баҳолашни ўтказишга оид ишларни бажаришга доир шартномаларни бундай баҳолашнинг даврийлигига мувофиқ тузиши;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ўзига нисбатан белгилан-

ган талабларга, шунингдек халқаро ва миллий стандартларда, аккредитация соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида назарда тутилган талабларга ва мезонларга риоя этиши;

даврий баҳолаш ва аккредитация соҳасини кенгайтириш ишларини амалга ошириш чоғида аккредитация бўйича баҳоловчиларнинг ва техник экспертларнинг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

Миллий аккредитация тизими реестрида рўйхатдан ўтказилган рақамига ҳавола қилиши ёхуд ўзининг фақат аккредитация соҳаси татбиқ этиладиган мувофиқликни баҳолаш ишларига нисбатан аккредитация қилинганлиги тўғрисида бошқача шаклда билдириши шарт.

Аккредитация қилинган субъектнинг зиммасида қонунчиликка ва даврий баҳолашга, аккредитация соҳасини кенгайтиришга оид ишларни бажаришга доир шартномага, шунингдек аккредитациядан кейинги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

### **27-модда. Аккредитацияга доир ишларни молиялаштириш**

Аккредитацияга доир ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, аккредитация бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар, аккредитация белгисини қўллаганлик учун ажратмалар, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Аккредитация органининг аккредитация бўйича халқаро ташкилотлардаги иштироки учун тўланадиган аъзолик бадаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилади.

### **28-модда. Низоларни ҳал этиш**

Аккредитация соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **29-модда. Аккредитация қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Аккредитация қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### **31-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норма-  
тив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини  
таъминласин.

**32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач  
кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 февраль,  
ЎРҚ–820-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 65 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида\*

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга мувофиқ аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Жамоатчилигимиз ва халқимиз билан кенг муҳокамаларда билдирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат дастури ижросини самарали, қатъий тартиб-интизом асосида ташкил этиб, 10 кун муддатда ҳар бир туман, шаҳар ва маҳалла кесимида амалий чора-тадбирларни белгиласин ҳамда кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида мунтазам равишда масъул шахсларнинг ҳисоботини эшитиб борсин.

Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларга Давлат дастурининг бажарилишини туманлар, шаҳарлар ва маҳаллаларга бориб ўрганиш, масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия этилсин.

2. Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг харажатларини тежаш мақсадида, 2023 йил 1 июлдан бошлаб:

а) барча давлат органлари ва ташкилотларида «Аҳоли ва тадбиркорларга сервис сифатини ошириш» чора-тадбирлари белгилансин.

Вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари 15 кун муддатда ўз тизимида масофадан туриб, шу жумладан мобил иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш, ундири-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 мартда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ладиган тўловлар миқдорини камайтириш, талаб қилинадиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш жараёнлари ва муддатларини кескин қисқартириш, шаффофликни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлар билан доимий мулоқот майдончаларини ташкил этиш, ходимларнинг муомала маданиятини юксалтириш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ўқитиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаб, аҳоли ва тадбиркорларга эълон қилсин;

б) давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 300 тага, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар сони эса 570 тага етказилсин;

в) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар)га миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқиш орқали кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш йўлга қўйилсин;

г) электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини проактив тарзда кўрсатиш (фуқаро мурожаатини кутмасдан, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан) таклифни юбориш йўлга қўйилсин.

3. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформаси»га ўтказилсин ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйилсин.

Бунда, субсидиялар ажратиш тўғрисидаги аризаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали топшириш имкониятини яратиш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва бошқа коррупциявий омилларни бартараф этиш таъминлансин.

4. Фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2024 йил 1 январдан бошлаб пенсионерга ҳисобланган, лекин ўз вақтида олинмаган пенсияни тўлаш муддати 12 ойдан 24 ойга узайтирилсин.

5. Ногиронликни белгилашда фуқароларга қўшимча енгилликлар яратиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади;

б) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) 2023 йил 1 апрелга қадар ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси лойиҳасини киритсин, унда:

фуқароларнинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасидан келиб чиқиб ногиронликни белгилаш амалиётидан воз кечиб, унинг ўрнига жаҳон стандартлари асосида ногиронликни белгилашга ҳамда ногиронлиги бўлган



шахсларнинг ҳаётга ижтимоий мослашуви ва уларнинг соғлиғини қайта тиклашга;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматлардаги ахборот технологияларидан, имо-ишора тилидан ҳамда мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларидан фойдаланиш имкониятларини яратишга эътибор қаратилсин.

6. «Янги Ўзбекистон» массивларини ривожлантириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2023 йилда:

«Янги Ўзбекистон» массивлари ва 161 та бошқа массивларда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг йиллик ҳажмлари 1,6 бараварга оширилиб, 90 мингга етказилсин. Бунда, уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситаларининг тураргоҳлари, шу жумладан кўп қаватли ва ерошти автотураргоҳлар мажбурий равишда барпо этилиши таъминлансин;

32 минг нафар фуқарога бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари, шунингдек 11 минг нафар фуқарога бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар ажратиш учун Давлат бюджетидан етарли маблағлар йўналтирилсин;

аҳолини бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари орқали уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган фуқаролар учун Тошкент вилоятида тажриба-синов тариқасида «Менинг биринчи уйим» дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин;

халқаро ва маҳаллий фонд биржаларида «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг ипотека облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш учун компаниянинг устав фонди 100 млн АҚШ доллари эквивалентига етказилсин. Бунда, ипотека облигацияларини жойлаштириш ҳисобига жалб қилинган маблағлар ипотека кредитлари учун ресурс сифатида банкларга жойлаштирилсин.

7. Ташаббусли бюджет амалиётини ҳамда маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 триллион сўм, шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун 4 триллион сўм йўналтирилсин;

2023 йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм ажратилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) уч ой муддатда лойиҳаларни жамоатчилик фикри ва «Очиқ бюджет» порталида тўпланган овозлар асосида молиялаштиришнинг самарали тизимини яратсин ва амалиётга киритсин.

Бунда, овоз бериш жараёнларини холис ва маъмурий аралашувларсиз ташкиллаштиришнинг аниқ механизмларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Таълим сифатини ошириш, соҳани илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурлари амалиётга киритилсин.

Бунда:

умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфларида ўқувчиларни илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган дарсликлар бўйича ўқитиш;

5 — 9-синфларда ўқувчиларга умумтаълим фанларидан таянч билимлар бериш;

10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган ихтисослашган дастурлар асосида билим бериш амалиёти жорий қилинсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Бунда, овқат турлари ўқувчиларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатига кўра меъёрланган ҳолда етказиб берилиши ҳамда санитария талабларига жавоб бериши таъминлансин;

г) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида:

янги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кўп квартирали уйларнинг нотурар қаватларида ёки яққа тартибда қурилган уй-жойларни сотиб олиш ва кейинчалик уларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш орқали ташкил этишга рухсат этилсин;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида ижарага берилган ер участкасида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қурган хусусий шерик томонидан ушбу бинонинг мазкур лойиҳа учун банк кредитлари бўйича гаровга қўйилишига оид чекловлар бекор қилинсин;

д) профессионал таълим тизимини ривожлантириш, меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг талабларига мос бўлган малакали ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида:

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари коллеж ва техникумларнинг дуал таълим шакли бўйича ҳам ажратилсин;

2023 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Европа касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлаш тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган 1 тадан намунавий профессионал таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилсин;

е) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

профессионал таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставка-

лари мос равишда умумий ўрта таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкаларига;

профессионал таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган, малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкалари тегишинча умумий ўрта таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифали ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ҳамда ўрта махсус маълумотли ўқитувчисининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилсин.

9. Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва фуқароларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов):

2023 йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш;

18 — 40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолини юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабет, 3 миллион нафар аҳолини онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувларидан ўтказиш;

спинал мушак атрофияси билан касалланган 112 нафар болани дори воситалари билан таъминлаш;

250 нафардан ортик заиф эшитувчи болада кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш, шунингдек, бундай операциялар ўтказилган 132 нафар болада нутқ процессорларини алмаштириш чораларини кўрсин;

б) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилсин. Бунда:

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш Навоий ва Сирдарё вилоятларида — 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида — 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, республиканинг бошқа худудларида — 2024 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклга ўтказилсин.

2024 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни қоғоз шаклда талаб қилиш тақиқлансин;

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилсин;

г) 2023 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор ва стационар шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олиш қўлами 30 минг нафарга етказилсин.

10. Аҳоли орасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилсин:

аҳолига смартфон ва мобил иловалар ёрдамида ўз соғлиғи ва овқатланишини назорат қилишни ўргатиш, тўғри овқатланиш бўйича мобил илова яратиш;

болаларга мўлжалланган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергетиклар, дори воситалари, биологик фаол моддалар рекламасига талаб ва чекловларни кучайтириш;

таълим муассасаларида болалар ва ёшлар учун тавсия этилмайдиган маҳсулотлар, шу жумладан таркибида шакар, туз, трансёллар миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, таъм ва ранг берувчи қўшимчалар рўйхатини тасдиқлаш ва уларнинг истеъмолини камайтириш;

маҳаллий маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳар бир хавф гуруҳи ва касаллик турлари учун алоҳида-алоҳида соғлом овқатланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, болалар, катталар ва кексалар учун қисқа тўғри овқатланиш бўйича тавсиялар, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари тўпламини яратиш;

иш жойларида ходимларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва соғлом овқатланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

11. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқнома амал қилиш муддати давомида чет эл фуқаролари хориждан олиб келинган шахсий автотранспорт воситасини олиб чиқиб кетиш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган йиғимни тўлашдан озод этилсин.

12. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий химоясини янада кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилсин.

Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда бир ой муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни маъмурий юрисдикцияга ўтказиш орқали бекор қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида 2023 йилда:

сув ресурсларини бошқаришда узлуксиз тизимни йўлга қўйиш ҳамда сувни тежайдиган рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига сувни етказиб беришдаги табиий йўқотишлар ҳажми 10 фоизгача камайтирилиши;

қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкасини ошириш орқали сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилиши таъминлансин.

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев) 2023 йил якунига қадар:

а) сув ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, зарур ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали камида 7 млрд метр куб сув иқтисод қилинишини ҳамда 300 минг гектар майдонда такрорий экинларни суғоришга йўналтирилишини таъминласин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда:

сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизимини жорий этиш мақсадида 13 мингта сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни Давлат бюджети маблағлари ва халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан молиялаштириш;

16 та йирик насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

14. Адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш борасида қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилсин:

жиноятларни тергов қилиш жараёнида «Хабеас корпус» институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш;

жиноят ишини судларга айблов хулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибинини жорий этиш;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш талабинини бекор қилиш.

Олий суд (Б. Исламов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) мазкур бандда назарда тутилган масалалар бўйича тегишли қонунлар лойиҳаларининг Давлат дастурида белгиланган муддатларда ишлаб чиқилиб, киритилишини таъминласин.

15. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини «шаҳар автомобиллар эмас, балки пиёдалар учун» ғояси асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманларнинг марказларида транспорт воситалари ҳаракатлашининг энг юқори тезлиги соатига 70 километрдан 60 километргача туширилсин;

б) 2023 йил 1 декабрдан бошлаб транспорт воситасининг эгасига транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахс билан биргаликда тегишли ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатни (ишончнома ва бошқалар) тақдим этган ҳолда, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини ўтказганлиги ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, хабарнома олинган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда ушбу транс-

порт воситасида содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириш тартиби жорий этилиши белгилансин.

16. Адлия вазирлиги, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқсин;

Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда келишилишида амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

Давлат дастурини амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига киритиб борсин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) мунтазам равишда Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, шу жумладан машҳур давлат арбоблари, тажрибали сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа мутахассислар иштирокида кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини таъминласин.

18. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентиға ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 28 февраль,  
ПФ–27-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**66** **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Инсон ҳуқуқлари, жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Адвокатлар палатаси ҳамда жамоатчиликнинг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш муассасалари ускуналарини модернизация қилиш;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ҳамда уларга ғамхўрлик қилувчи фуқароларга давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш бўйича имтиёзлар бериш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва уларга юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

2. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур кўрсаткичга эришиш доирасида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги 2023 йилда муҳтож шахсларни хорижий технологиялар асосида тайёрланган сифатли замонавий оёқ протез-ортопедия буюмлари, шу жумладан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни сон протези, болдир протези ва оёқ камари ортопед аппаратлари билан бепул таъминласин.

3. Белгилансинки:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахслардан тиббий хулоса талаб қилиш бекор қилинади.

Бунда:

фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва ногиронликни

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 февралда эълон қилинган.

белгилаш билан бир вақтда тегишли протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун тиббий хулоса тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан «Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизимига киритилади;

протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун талаб этиладиган тиббий хулосанинг мавжудлиги ўзаро ахборот алмашинуви орқали аниқланади;

«Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизимига киритилган тиббий хулоса асосида мазкур ахборот тизимига интеграция қилинган «Ижтимоий хизмат» электрон платформасида ногиронлиги белгиланган шахснинг мурожаати (шу жумладан, электрон тартибда) асосида протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун электрон сертификат шакллантирилади;

б) ногиронлиги бўлган шахсларни «Ижтимоий хизмат» электрон платформаси орқали шу жумладан замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда жорий этиладиган шаффоф электрон навбат доирасида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ногиронлиги бўлган шахсларга устуворлик берилади.

Бунда, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун сўровномалар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатидан битта сўровнома ва умумий рўйхатдан битта сўровнома тартибда навбатма-навбат шакллантирилади.

4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар таъминланадиган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари рўйхатини кенгайтириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ва уларга ғамхўрлик қилувчи (йўлда кузатиб боровчи) бир нафар фуқаро учун давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан, шу жумладан давлат хизматлари марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муассасаларида фуқароларнинг бевосита ҳозирлигида (жойида) кўрсатиладиган хизматлардан навбатсиз фойдаланиш, давлат идоралари раҳбарлари (мансабдор шахслари) қабулига навбатсиз кириш бўйича имтиёз берилади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 майдан бошлаб тиббиёт муассасаларида даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилиш учун шу муассасада унинг отаси ёки онасига (уларнинг ўрнини босувчи шахсга) ёхуд оиланинг болани бевосита парваришлаётган бошқа аъзосига ногиронлиги бўлган боланинг ёнида бирга бўлиш учун шароит яратилади, жумладан:

стационар тиббиёт муассасаларида ногиронлиги бўлган болани пар-



варишляётган шахсга мазкур давр учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга ғамхўрлик қилувчи шахслар (ота-онаси ва бошқалар) учун даволаш даврида давлат стационар тиббиёт муассасаларида бепул овқатланиш йўлга қўйилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан болаларнинг ногиронлиги бўлган шахс деб топилиши асосли эканлигини аниқлаш мақсадида уларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг йўлланмасига асосан қайтадан тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш тартиби бекор қилинади.

8. Фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграция қилишни назарда тутувчи «Юридик ёрдам» ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий бепул ёрдам олишларига (рго бопо) кўмаклашиш учун «Юридик ёрдам» ахборот тизимида адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар фойдаланиши учун очиқ бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлари бўлими яратилади.

Бунда:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий бепул юридик ёрдам (рго бопо) олиш бўйича мурожаатлари «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритилади ҳамда ихтиёрий ёрдам кўрсатилиши учун адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар эътиборига етказилади;

ихтиёрий бепул юридик ёрдам кўрсатиш истагида бўлган адвокатлик тузилмалари ҳамда адвокатлар учун бундай ёрдам таклиф қилишнинг техник имконияти яратилади;

адвокатлик тузилмалари ва адвокатлардан улар кўрсатган ихтиёрий бепул юридик ёрдам (рго бопо) тўғрисида ҳисобот талаб қилинмайди.

9. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

а) ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ва уларга ғамхўрлик қилувчи шахсларга ўз ҳуқуқларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчи фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзларнинг ягона рўйхатини шакллантирсин ва доимий янгилаб борсин;

Адлия вазирлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчи фуқаролар учун белгиланган имтиёзларнинг ягона рўйхатини «Advice.uz» (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталида эълон қилиб, Интернет тармоғи орқали мунтазам ёритиб боришни таъминласин;

б) Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Мил-

лий марказ билан биргаликда уч ой муддатда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатини қўллаш масаласини хорижий илғор тажрибалар асосида ўрганиб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Белгилансинки, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб «Махсус педагогика, дефектология» магистратура мутахассисликлари бўйича давлат олий таълим муассасаларига қабул тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилади.

Бунда, давлат гранти асосида ўқитиш давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ажратилган давлат гранти асосидаги умумий қабул параметрлари доирасида амалга оширилади.

11. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

2023/2024 ўқув йилига қабул жараёнидан бошлаб қабул тартиби, тест синовлари тўғрисида абитуриентларга маълумот бериш учун тайёрланган материаллар ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматда бўлиши, жумладан видеороликлар сурдотаржима ёки субтитрлар билан намойиш этилишини таъминласин;

таълим олаётган ногиронлиги бўлган талабаларга таълим жараёнида кўмаклашиш учун ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзоси ёки бошқа шахсларга олий таълим муассасасида ногиронлиги бўлган шахснинг ёнида бирга бўлиши учун шароит яратиш чораларини кўрсин.

12. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5217-сон қарори 2-бандининг ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«болалар церебрал фалажи, умуртқа поғонасининг патологик синиши билан касалланган болалар ва катталарда мустақил юриш функцияларини қайта тиклаш учун Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва унинг ҳудудий марказларини 2021-2022 йилларда 28 та, шундан 2021 йилда 14 та замонавий экзоскелет ускунаси, 2023 йилда роботлаштирилган локомат тўплами ва бошқа замонавий реабилитация ускуналари билан таъминлаш».

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарорнинг 2, 6 ва 13-бандларида назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш 2023 йилда Давлат бюджетидан тегишли соҳаларга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилишини, 2024 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни инobatга олсин.

15. Адлия вазирлиги:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар-

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

га берилган имтиёзлар, ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларидан фойдаланишлари учун қулай шароитлар яратиш ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилишини, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали мунтазам равишда ва кенг қўламда ёритиб борилишини таъминласин.

16. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 февраль,  
ПҚ–74-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**67** Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) корпоратив бошқарувни жорий этиш, уларнинг операцион самардорлигини ошириш ва очиклигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттириш, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор механизмларига ўтишини жадаллаштириш мақсадида:

1. 2023 — 2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самардорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигига (кейинги ўринларда — Стратегик ислохотлар агентлиги) мазкур корхоналарни ислоҳ қилиш вазифаси юклансин.

2. Белгилансинки:

Стратегик ислохотлар агентлиги «UzAssets» инвестиция компанияси» АЖ (кейинги ўринларда — «UzAssets» инвестиция компанияси) ва мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналарда давлат акция пакети (улуши) бўйича акциядор (иштирокчи) функциясини амалга оширади;

мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) «UzAssets» инвестиция компаниясига бошқарувга берилади;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ҳамда соф фойдани тақсимлаш масалалари юзасидан қарорлар белгиланган тартибда келишилган ҳолда қабул қилинади;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни жалб этиш энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Бунда, улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;

давлат хизматчилари давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши таркибига киритилиши мумкин, ушбу корхоналар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш вазифалари юкланган давлат органларининг ходимлари (давлат органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларидан ташқари) бундан мустасно;

бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи миқдорида ўз моддий активларига эга бўлиш тўғрисидаги талаб «UzAssets» инвестиция компаниясига нисбатан татбиқ этилмайди.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 мартда эълон қилинган.

3. Стратегик ислоҳотлар агентлигининг «UzAssets» инвестиция компаниясига қўйидаги қўшимча вазифаларни юклаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарни ислоҳ қилиш, шу жумладан экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий этиш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш;

корхоналарнинг рентабеллиги ва операцион самарадорлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда бизнес-жараёнларни оптималлаштириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг корпоратив бошқарув бўйича тавсияларини жорий этиш орқали ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг қийматини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш;

ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгашига маҳаллий ҳамда хорижий малакали менежерларни жалб қилиш.

4. Стратегик ислоҳотлар агентлиги ва «UzAssets» инвестиция компаниясининг давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

мазкур қарорга иловада келтирилган давлат иштирокидаги корхоналар томонидан давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар (бундан қонун ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилмайдиган қисми мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар икки ҳафта муддатда мазкур қарорда назарда тутилган ўзларига тегишли акция пакетлари (улушлари) Стратегик ислоҳотлар агентлигига ўтказилишини таъминласин.

6. Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Ш. Вафаев):

а) бир ой муддатда:

«UzAssets» инвестиция компанияси ташкилий тузилмаси ва ички корпоратив ҳужжатларини тасдиқласин, ижроия органи ва кузатув кенгаши таркибини шакллантирсин;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган ҳар бир корхонага консултантлар жалб қилинишини таъминласин ва корхоналарни ислоҳ қилиш графигини тасдиқласин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин;

б) икки ой муддатда «UzAssets» инвестиция компаниясининг самарадорлик муҳим кўрсаткичларини назарда тутган ҳолда, унинг бизнес-режасини тасдиқласин;

в) 2023 йил 1 июлга қадар «UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг бизнес-режалари қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 1 март,  
ПҚ–83-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 1 мартдаги  
ПҚ–83-сон қарорига  
ИЛОВА

**2023 — 2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва  
операцион самарадорлиги ошириладиган давлат  
иштирокидаги йирик корхоналар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Корхоналар номи	Амалдаги акциядор (таъсисчи, муассис)	Давлат улуши, %
1.	«Навоий КМК» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
2.	«Навоийуран» ДК	Давлат активларини бошқариш агентлиги	100,0
3.	«Олмалик КМК» АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	98,5
4.	«Ўзметкомбинат» АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	81,1
5.	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	99,9
6.	«Ўзтрансгаз» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	99,5
7.	«Худудгазтаъминот» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
8.	«UzGasTrade» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
9.	«Ўзбекистон МЭТ» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
10.	«Иссиқлик электр станциялари» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0

11.	«Худудий электр тармоқлари» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
12.	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
13.	«Ўзкимёсаноат» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
14.	«Навойазот» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ	100,0
15.	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
16.	«Uzbekistan airways» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
17.	«Uzbekistan Airports» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
18.	«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ	Транспорт вазирлиги	100,0
19.	«Ўзавтосаноат» АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	100,0
20.	«Ўзбектелеком» АЖ	Рақамли технологиялар вазирлиги	96,2
21.	«Ўзбекистон почтаси» АЖ	Рақамли технологиялар вазирлиги	31,51
22.	«Ўзбеккўмир» АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	97,9
23.	«Агробанк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	52,2
24.	«Асакабанк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	10,7
25.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	13,1
26.	АТ «Халқ банки»	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	22,4
27.	«Туронбанк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	8,7
28.	«Қишлоққурилишбанк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	74,5
29.	«Алоқабанк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	3,8
30.	«Ўзмиллий банк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	40,7
31.	«Микрокредитбанк» АТБ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	70,8

*Изоҳ: давлат улуши миқдори ўзгарган тақдирда, улуш Стратегик ислохотлар агентлигига ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиб берилади.*

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**68** «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1648-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 январь,  
1/8-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
23 январдаги 1/8-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648, 2006 йил 27 декабрь)

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 февралда эълон қилинган.



(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 523-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 8/5-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648-1, 2007 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 13-сон, 123-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 30 июндаги 18/2-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648-2, 2007 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 27-28-сон, 292-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/1-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648-3, 2007 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 490-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/2-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648-4, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 395-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 ноябрдаги 38/3-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648-5, 2016 йил 6 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 563-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/15-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648-6, 2020 йил 16 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2020 й., 10/20/1648-6/0323-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**69** «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 276-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 24 январь,  
1/7-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
24 январдаги 1/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**».

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 февралда эълон қилинган.

2. Йўриқномада:

1) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома банклар учун мажбурий бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибини белгилайди.»;

2) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 5-банднинг иккинчи, учинчи, ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошиларидаги, 18-банднинг биринчи хатбошисидаги, 22, 26-бандлардаги, 37-банднинг биринчи хатбошисидаги, 46, 49, 51, 58, 59, 65, 66, 68, 71-бандлардаги, 73-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 78-банднинг биринчи хатбошисидаги, 80, 84 ва 132-бандлардаги, 136-банднинг иккинчи хатбошисидаги «пул ҳисоб-китоб» деган сўзлар «тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 27-банддаги, 28-банднинг биринчи хатбошисидаги, 29, 38 ва 63-бандлардаги «Пул ҳисоб-китоб» деган сўзлар «Тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 3-боб ва унинг 1-параграфи номларидаги «Пул ҳисоб-китоб» деган сўзлар «Тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 30-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Банк операциялари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаклда расмийлаштирилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилиши мумкин (Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими ёки банк карталари орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар). Электрон ҳужжатлар тўлов ҳужжатларининг асл нусхасида белгиланган барча реквизитларга эга бўлиши шарт.»;

6) 44-банддаги «қўзда тутилмаган ҳолатлар» деган сўзлар «балансдан ташқари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 52-банднинг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Агар мижоз тақдим қилган тўлов ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3229, 13 апрель 2020 йил) белгиланган талабларга зид камчилик ва нуқсонлар аниқланса, тўлов ҳужжатлари мижозга ижрога қабул қилинмасдан қайтарилиши лозим.»;

8) 72-банддан «қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) 76-банд «кўчирмалар берилганидан» деган сўзлардан кейин «(масофадан хизмат кўрсатиш дастурлари орқали узатилгандан)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) 79-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«79. Агар ҳисобварақ эгаси банк картаси ва нақд пул чеки йўқолгани ёки ўғирлангани ҳақида банкка хабар бергунга қадар, мазкур банк картаси ва чеклар бўйича маблағлар тўлаб юборилган бўлса, бу тўлов учун банк жавоб бермайди.»;

тўртинчи хатбошидаги «пул ҳисоб-китоб» деган сўзлар «тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 90-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90. Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банк томонидан Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасидаги (рўйхат рақами 3336, 2021 йил 26 ноябрь) тегишли ҳисобварақлар таърифида белги-ланган тартибда юритилади.»;

12) 97-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«97. Товар-моддий қимматликларни олишга ишончномалар банкнинг ихтиёрига кўра мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ қоғоз ёки электрон шаклда расмийлаштирилади.

Қоғоз шаклда расмийлаштирилган ишончномалар банк раҳбари (ёки ўринбосари) ҳамда бош бухгалтер имзолари ва банк муҳри билан тасдиқланади.

Электрон шаклда расмийлаштирилган ишончномалар банк раҳбари (ёки ўринбосари) ҳамда бош бухгалтернинг электрон рақамли имзолари орқали тасдиқланади.»;

13) 98-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур дафтар электрон шаклда юритилганда, ушбу банднинг иккинчи хатбошиси талаблари татбиқ этилмайди.»;

14) 99-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

15) 129-банднинг биринчи хатбошисидаги, 141-банднинг учинчи хатбошисидаги, 162 ва 168-бандлардаги «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» деган сўзлар «Балансдан ташқари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 138-банддаги «END» деган сўз «END» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) 147<sup>б</sup>-бандда:

учинчи хатбошидаги «Кредит 45401 «Спот битими бўйича чет эл валюталаридаги фойда» деган сўзлар «Кредит 45403 «Валюта қолдиқларини қайта баҳолашдан олинган фойда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Дебет 55302 «Спот битимлари бўйича чет эл валюталаридаги зарар» деган сўзлар «Дебет 55304 «Валюта қолдиқларини қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18) 157-банднинг учинчи хатбошиси «биринчи нусхаси» деган сўзлардан кейин «, дастурий тарзда ҳисоблаш орқали шаклланган мемориал ордерлар ҳамда қисман тўлов бўйича шаклланган мемориал ордерлар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) 1-иловада:

а) 7-банддаги «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюrolарининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март)» деган сўзлар «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3252, 2020 йил 30 март)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 16-банддаги, 18-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «пул ҳисоб-китоб» деган сўзлар «тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

20) 7-илованинг матнидаги «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» деган сўзлар «Балансдан ташқари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**70** Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3421*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ–190-сон «Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги 393-сон «Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 январь,  
21-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 мартда эълон қилинган.

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

*2023 йил 7 январь*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**А. ТОШКУЛОВ**

*2022 йил 30 декабрь*

*Транспорт вазири*

**И. МАХКАМОВ**

*2023 йил 19 январь*

*Мудофаа вазири*

**Б. КУРБАНОВ**

*2023 йил 16 январь*

*Рақобатни ривожлантириш ва  
истеъмолчилар ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш қўмитаси раиси*

**Ш. ШАРАХМЕТОВ**

*2023 йил 19 январь*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

*2023 йил 7 январь*

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2023 йил  
23 январдаги 21-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр  
транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини  
амалга оширувчи таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-  
йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг  
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари (бундан буён матнда таълим ташкилотлари деб юритилади) ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини шартнома асосида қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Ички ишлар вазирлиги Академияси (бундан буён матнда Академия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Бунда:

таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш Академияда;

таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларининг малакасини ошириш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун Академияда, қолган вилоятлар учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида ташкил этилади.

2. Таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларининг малакасини ошириш ҳар уч йилда бир марта амалга оширилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**талабгор** — қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларига ўқишга кириш истагини билдирган ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчилар ёхуд ўзининг ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини ўқитиш хоҳишини билдирган таълим ташкилотлари;

**тингловчи** — қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларига қабул қилинган ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчилар;

**ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларни қайта тайёрлаш** (бундан буён матнда қайта тайёрлаш деб юритилади) — таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган, шунингдек педагогик ҳамда ҳайдовчи-йўриқ-

чилик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажмини эгаллашга қаратилган таълим тури;

**ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларнинг малакасини ошириш** (бундан буён матнда малака ошириш деб юритилади) — ўқитувчи ҳамда ҳайдовчи-йўриқчиларнинг касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлаш, уларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилишга қаратилган таълим тури;

**тьютор (ўқитувчи-консультант)** — қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи масъул ходим.

4. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш тингловчининг асосий иш жойидан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида аудитория ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

5. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув жараёни 25 нафардан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат гуруҳларда ташкил қилинади.

Бунда, аудитория машғулотлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.

## **2-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига талабгорларни қабул қилиш**

6. Қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларида ўқиш учун талабгорлар Академиянинг расмий веб-сайти орқали мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

7. Талабгорнинг аризаси келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида Академия томонидан унда кўрсатилган маълумотлар ўрганиб чиқилади.

8. Талабгор томонидан ариза мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилмаган ёки аризада тегишли маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, Академия томонидан талабгорга камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида ушбу ариза келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

9. Талабгор томонидан тақдим этилган аризада мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда Академия ва талабгор ўртасида уни ўқитиш юзасидан шартнома тузилади.

10. Шартномада кўрсатилган ўқитиш қиймати талабгор томонидан шартномада белгиланган муддатда тўлиқ тўлангандан сўнг, талабгор Академия бошлиғининг буйруғи билан тегишли қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига қабул қилинади.

11. Талабгор томонидан шартнома имзоланилмаган бўлса ёки ўқитиш қиймати шартномада белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, талабгор ўқишга қабул қилинмайди ҳамда талабгорга бу ҳақда Академия томонидан шу куннинг ўзида ёзма равишда хабарнома юборилади.



### **3-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш**

12. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув жараёни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва ўқув дастурларига мувофиқ ташкил этилади ҳамда машғулотлар жадвали бўйича олиб борилади.

13. Ҳайдовчи-йўриқчиларни қайта тайёрлаш, шунингдек малакасини ошириш курсларининг ҳар бири учун тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 4,5 баравари миқдорда белгиланади.

Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курси учун тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари, уларнинг малакасини ошириш курси учун тўлов эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари миқдорда белгиланади.

14. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ўқув дастурларини ўзлаштириш муддати ўқув режасига киритилган фанлар сони ҳамда уларнинг юкламалари ҳажмидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларни қайта тайёрлаш 2 ҳафта (72 соат);

ҳайдовчи-йўриқчиларнинг малакасини ошириш 2,5 ҳафта (90 соат);

ўқитувчиларнинг малакасини ошириш 4 ҳафта (144 соат).

15. Тингловчиларга уларнинг ўқув жараёнида иштирокини таъминлаш ҳамда ўқув дастурларини ўзлаштиришда тьютор (ўқитувчи-консультант) яқиндан ёрдамлашади.

Тьютор (ўқитувчи-консультант) тингловчи ва педагоглар билан доимий алоқа боғлаш, уларга зарур методик ёрдам кўрсатиш, тингловчилар томонидан яқка тартибдаги машғулотларни бажариш, шунингдек уларнинг билимини баҳолаш жараёнида тегишли назоратни амалга оширади.

16. Қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларига узрли сабабларга кўра (касаллиги, яқин қариндошларининг вафоти, меҳнат таътили, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлиши сабабли) қатнашмаган ҳамда ушбу курсни якунига етказа олмаган тингловчига Академия бошлигининг рухсати билан тегишли йўналиш бўйича навбатдаги қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларида мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тўловларни тўламаган ҳолда ўқишга рухсат берилади.

17. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнига Академия профессор-ўқитувчилари ҳамда шартнома асосида педагог кадрлар ва мутахассислар жалб этилади.

18. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида синов имтиҳонлари оралиқ ва якуний назорат турларидан иборат ҳисобланади.

Академия томонидан қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида синов имтиҳонлари ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида ишлаб чиқилган тест шаклида ўтказилади.

19. Тест саволлари синов имтиҳонлари бошланишидан камида уч кун олдин Академиянинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши зарур.

20. Синов имтиҳонлари ўтказилаётган хонага тингловчилар томонидан

мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кирилиши ҳамда фойдаланилиши тақиқланади.

Бунда, ушбу тақиқланган материалларни олиб кирган ёки фойдаланган тингловчи синов имтиҳонларини ўтказиш тартибини бузган деб ҳисобланади ҳамда далолатнома асосида синов имтиҳонларидан четлаштирилади.

21. Тингловчининг қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курси мобайнидаги ўзлаштириши 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Бунда:

оралиқ назорат 20 та тест саволларидан иборат бўлади, ҳар бир тўғри жавоб учун 1,5 балл ва жами тўпланиши мумкин бўлган балл 30 бални ташкил этади;

якуний назорат 35 та тест саволларидан иборат бўлади, ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл ва жами тўпланиши мумкин бўлган балл 70 бални ташкил этади.

Тингловчининг оралиқ ва якуний назорат турларида тўплаган натижалари умумлаштирилади. Бунда, тингловчининг умумий тўплаган натижаси 56 ва ундан юқори бални ташкил этган тақдирда у қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсини тугатган деб ҳисобланади.

Синов имтиҳонларининг натижалари бўйича тингловчи 56 балдан кам тўплаган ҳолларда у қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсидан ўтмаган деб ҳисобланади.

22. Синов имтиҳонини топшира олмаган тингловчиларга уларнинг натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида қайта топшириш учун имконият берилади.

Бунда, тингловчидан синов имтиҳонини қайта топшириш учун мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тўловлар ундирилмайди.

Синов имтиҳонини топшира олмаган тингловчи қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсини шартнома асосида қайта ўқиш ҳуқуқига эга.

23. Академия томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасига асосан қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаган тингловчига диплом, малака ошириш курсини тамомлаган тингловчига эса сертификат тақдим этилади.

Синов имтиҳонини муваффақиятли топширмаган тингловчига диплом ёки сертификат берилмайди. Бу ҳолда тингловчига қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсида қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

#### **4-боб. Тингловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

24. Тингловчилар ўқув машғулоти бошланишидан олдин Академиянинг ички тартиб-қоидалари билан таништирилади.

25. Тингловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга ҳисобланади:

ўқув дастурида назарда тутилган билимларни эгаллаш;

ўқув жараёнини янада яхшилаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Академия раҳбариятига таклифлар киритиш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларда қатнашиш;

Академия ахборот-ресурс маркази, ўқув хоналари ва компьютер техника воситаларидан фойдаланиш.

26. Тингловчилар қуйидагиларга мажбур ҳисобланади:

ўқув дастурлари талабларини бажариш;

ўқув машғулотларига ўз вақтида қатнашиш;

ўқув дастурларида назарда тутилган синов имтиҳон (тест)ларини топшириш;

ўқув жараёнида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш;

Академияга тегишли бўлган мулкларни асраб-авайлаш, Академия ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя этиш.

27. Тингловчи қуйидаги асосларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига (аризасига) биноан;

вафот этганлиги сабабли;

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганда;

ўқув интизоми ва Академия ички тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун;

қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсининг ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз 18 академик соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли.

### **5-боб. Тингловчиларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш**

28. Тингловчиларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Академия бошлиғининг буйруғи билан Академиянинг камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Бунда, Академия бошлиғининг кўрсатмасига асосан Апелляция комиссияси таркибига бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ҳам мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида синов имтиҳонларини ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

29. Синов имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган тингловчилар мазкур имтиҳонлар натижалари эълон қилинган кундан бошлаб етти иш куни ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикояти беришлари мумкин.

Бунда, Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган тингловчини шикоят кўриб чиқилишидан 2 кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

30. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида кўриб чиқади. Бунда, апелляция шикояти билан мурожаат қилган тингловчи мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

31. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори

оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

32. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида тингловчига уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

33. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

синов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

синов натижаларига ўзгартириш киритиш.

Апелляция шикоятини кўришда тингловчининг синов натижасида олган балини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

34. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган тингловчига ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

35. Апелляция комиссиясининг синов натижаларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарори асосида тингловчига қайта тайёрлаш курси бўйича диплом, малака ошириш курси бўйича сертификат берилади.

36. Апелляция комиссияси қарори устидан тингловчи юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

37. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим ташкилотларининг ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун аризаларнинг НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИ**

<b>Ўқитувчи ёки ҳайдовчи-йўриқчи ҳақида маълумотлар</b>			
Худуд	Фамилияси	Исми	Отасининг исми
Тўлов миқдори	Телефон рақами	Паспорт ёки ID-карта серияси ва рақами	Маълумоти
Яшаш манзили	ПИНФЛ (ЖШШИР)	Аризани кўриб чиқиш вақтида шахсга доир маълумотларимдан фойдаланилишига розиман.	

<b>Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим ташкилотлари бўйича маълумотлар</b>		
Таълим ташкилоти номи	Манзили	Банк номи
Ҳисоб рақами	Шахсий ҳисоб варағи рақами	МФО
ИНН (Ташкилот)	ИНН (Ғазначилик)	Худуд
Таълим ташкилоти раҳбари	Тўлов миқдори	Телефон рақами

Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр  
 транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш,  
 қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
 фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари  
 ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта  
 тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш  
 тартиби тўғрисидаги низомга  
 2-ИЛОВА

**Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт  
 воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва  
 уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи  
 таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларининг  
 қайта тайёрлаш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги  
 ДИПЛОМ**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI  
 AKADEMIYA**

Qayta tayyorlash haqida

**D I P L O M**

QT №000000

---

(familiya, ism, otasining ismi)

202\_\_ yil \_\_\_\_\_ dan 202\_\_ yil \_\_\_\_\_ gacha

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi  
 Avtomaktablar xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini  
 oshirish markazida

jami \_\_\_\_\_ soatga mo'ljallangan

---

(Qayta tayyorlash kursining nomi)

kursini muvaffaqiyatli tamomladi.

Boshliq \_\_\_\_\_

Sana \_\_\_\_\_

Muhr  
o'imi





Qayd raqami \_\_\_\_\_

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти  
воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи  
таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларининг  
малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақида  
**СЕРТИФИКАТ**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**  
**AKADEMIYA**

Malaka oshirish haqida

**SERTIFIKAT**

MO №000000

\_\_\_\_\_

(familiya, ism, otasining ismi)

202\_\_ yil \_\_\_\_\_ dan 202\_\_ yil \_\_\_\_\_ gacha

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi  
Avtomaktablar xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini  
oshirish markazida

jami \_\_\_\_\_ soatga mo'ljallangan

\_\_\_\_\_

(Malaka oshirish kursining nomi)

bo'yicha malakasini oshirdi.



Muhr  
o'ri



Boshliq \_\_\_\_\_

Sana \_\_\_\_\_

Qayd raqami \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 23 январдаги 1/8-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2023 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1648-7.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 24 январдаги 1/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2023 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-10.**

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 23 январдаги 21-сон «Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2023 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3421.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сон «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1648, 2006 йил 27 декабрь), шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1648-1, 2007 йил 26 март), (рўйхат рақами 1648-2, 2007 йил 9 июль), (рўйхат рақами 1648-3, 2007 йил 27 ноябрь), (рўйхат рақами 1648-4, 2009 йил 30 август), (рўйхат рақами 1648-5, 2016 йил 6 декабрь) ва (рўйхат рақами 1648-6, 2020 йил 16 март).



*2023 йил 27 февралда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**